O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 26-AVGUST ■ PAYSHANBA ■ 102-103 (27.278) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси тепловоз машинисти

Маҳмудова Анор Мадаминовна — Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-мактаб директори, Хоразм вилояти

Ҳамидов Абдураим — Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

Юсупов Иброҳим — Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 август


Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич

Маҳмудова Анор Мадаминовна

Ҳамидов Абдураим

Юсупов Иброҳим

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАРҲУМ ФАН, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини юксалтиришга бахш этган ватандошларимизнинг табаррук хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо ижодий ва илмий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан **мукофотлансин:**

Ҳожихон Болтаев — Ўзбекистон халқ артисти

Муҳаммаджон Мирзаев — Ўзбекистон халқ артисти, бастакор

Ҳамид Олимжон — шоир

Наби Раҳимов — Ўзбекистон халқ артисти

Всеволод Иванович Романовский — академик

Ойимхон Шомуротова — Ўзбекистон халқ артисти

Сора Эшонтўраева — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

Равшанова Гулнора Ҳасановна — Манон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»

Исломов Зиёдулла (Ислом шоир ўғли) — Бахши-шоир, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ»

Файнберг Александр Аркадьевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Нуриддинов Муҳаммадхон Нуриддинович — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи

Хабибуллин Озад Гарифович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

(Давоми 2-бетда.)

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОР

25 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАИСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛДИ

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 9 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига, спорт иншоотлари барпо этиш дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ва уларни молиялаштириш манбалари, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини бажаришда Жамғарманинг ўрни ва аҳамияти, жисмоний тарбия ўқитувчи кадрларни тайёрлаш аҳволининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани туфайли бугунги кунда соҳадаги кўплаб муаммоларга ижобий ечим топилмоқда. Бу борада бошлаган хайрли ишларимизнинг замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек улуғвор ва истиқболли мақсад мужассамдир. Ушбу ташаббус ўзини оқламоқда, эзгу юмушларимиз самарасини бермоқда.

Кенгашнинг аввалги йиғилишида жойларда болалар спортини ривожлантириш учун малакали ва фидойи кадрларни жалб этиш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш, бундай анжомлар, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда замон талабларида ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш вазифалари қўйилганди. Ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган эди.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида аввало спорт иншоотларига эга бўлмаган қишлоқ мактаблари аниқланди. Уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, бу ишларга ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, спорт майдонлари қуриш каби юмушларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Болалар спортини оммалаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш, қизларни спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол тенниси каби секцияларига кенгроқ жалб этиш борасида эътиборга молик ишлар қилинаётир.

Йиғилишда мўлжалдаги маблағнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар кўлами таҳлил этилди. Таъкидланганидек, 2004-2005 йилларда ишга туширилиши мўлжалланган 61 та янги объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жорий йилнинг 25 август ҳолатига кўра 23 та янги ва 19 та реконструкция қилинган спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Бу объектлар, Ислом Каримов уқтирганидек, хўжакўрсинга, фақат ҳисобот учун эмас, болаларимиз улардан фойдаланиши, жисмонан ва маънан камолга етиши йўлида барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда бу борада камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Тегишли ташкилотлардан маблағлар тушиши тўла таъминланмаган. Айрим вилоятларда ҳудудий ҳомийларни жалб қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Белгиланган қурилиш ишлари асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда. Йиғилишда бу ишларнинг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан масъуллигига яна бир бор эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга кенг жорий қилинаётгани болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу борадаги барча юмушлар мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган улкан қамровли ишларнинг таркибий қисмидир. Президентнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамаси бу борада қабул қилган қарорлар талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида (ҳаммаси қишлоқ жойларида) спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

Спорт залларини жиҳозлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, болалар спорт мажмуалари ва залларини зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш даражаси республика бўйича 23 фоиз, қишлоқ мактабларида эса 19 фоизни ташкил қилмоқда.

Президентнинг фикрича, спорт анжомлари ва жиҳозларини ўзимизда, ўз корхоналаримизда тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Юртбошимиз спорт мураббийларини тайёрлаш масаласига атрофлича тўхталди. Республика миқёсида жисмоний тарбия фани бўйича педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси 94,3 фоизни ташкил этади. Аммо жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 50,5 фоизи олий маълумотли, мингдан ортиқ ўқитувчи эса жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисликка эга эмас. Бу борада педагог кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган олий ўқув юртлари тизимини тартибга солиш, спорт мураббийларини тайёрлашни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир фидойи инсон болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак, деди Президентимиз. Зеро, ёш авлод тақдири қалбида халқни, миллатни улуғлаш, дунё миқёсида ўзбек номини, шонини тараннум этиш, Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини оширишдек эзгу орзу-истак билан яшаётган ҳеч бир ватандошимизни эътиборсиз қолдирмаслиги шарт.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимов ва вилоятлар ҳокимлари бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 26 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 26 август куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис XV сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари бўйича нуқтаи назари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Бу тўғрида партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик ахборот берди.

Йиғилишда Олий Мажлис сессиясига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида мамлакат парламенти депутатлари, МК аъзолари, мутахассислар ва фаоллар иштирокида Олий Мажлис XV сессияси муҳокамасига киритилаётган қатор қонунлар лойиҳалари муҳокама этилганлиги таъкидланди. Ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича муҳокама иштирокчилари томонидан аниқ таклифлар киритилган. Айрим масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилган ва сессияда фракция номидан сўзга чиқиш учун тавсия этилган депутатлар белгиланган.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси фракциянинг сессияга тайёргарлик олиб бориш бўйича фаолияти ва сессияга киритилаётган масалалар юзасидан нуқтаи назарини маъқуллади.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ВАТАН СИЗЛАРДАН ҒАЛАБА КУТАДИ

Афина олимпиадасида боксчиларимиз медаллар учун курашни давом эттирмоқда

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА.) олган сурат

23 август мамлакатимиз спорт ишқибозларига илк унутилмас ва қувончли лаҳзаларни тортиқ қилди. Ўша куни ер юзининг 202 давлатидан 16 мингдан зиёд спортчи ғолиблик учун кураш олиб бораётган XXVIII ёзги олимпиадада ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб, боксчимиз Баҳодиржон Султонов (54 кг.) ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. У чорак финалда канадалик Эндрю Кунерни 44:32 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ёшлар ўртасида икки карра жаҳон биринчилиги, катталар ўртасида V Марказий Осиё ўйинлари, I Афро-Осиё ўйинлари ғолиби, шу йил Манила(Филиппин)да ўтган Осиё чемпионати олтин медали соҳиби Баҳодиржон энди ярим финалда Сидней олимпиадаси чемпиони Гилермо Ортиз Ригондо (Куба)га қарши рингга чиқади. Андижон бокс мактаби тарбияланувчисининг чорак финалдаги ютуғи 19 ёшли спортчимизнинг ноёб иқтидор соҳиби эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистоннинг энг тажрибали «чарм қўлқоп» усталаридан бири Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.) ҳам Афина рингларидаги зафарли юришини давом эттирмоқда. У ҳамшаҳари Баҳодиржон Султонов сингари чорак финални муваффақиятли якунлади. Туркиялик боксчи Эҳсон Йилдирим Тархон билан кечган жангда Ўткирбек 16:11 ҳисобида устун келди. Энди у ярим финалда америкалик Андрэ Уорд билан куч синашади. Тажрибали боксчилардан бири сифатида эътироф этилаётган Уорд ўтган босқичда россиялик йигирма ёшли Евгений Макаренкони енгганди — 23:16.

«Ўттиз ёшдан ошдим. Ўтган вақт мобайнида бокс оламида деярли барча унвонлар — қитъа ва жаҳон чемпионлиги, бир неча бор Осиё ўйинлари ғолиблигига сазовор бўлганман. Ягона орзуим эса Олимпия чемпионлигини қўлга киритишдир.» Бу Ўткирбекнинг Афина сафаридан олдин айтган сўзлари. У бугун ана шундай бахтга жуда яқин турибди. Кўпчиликнинг назарида, боксчимизнинг рақиби анча кучлидек туюлар. Аммо, Олимпия ўйинларида қатнашиш беш қитъанинг фақат энг тажрибали спортчиларига насиб этишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Шу ўринда, галдаги учрашув олдидан Ўткирбек Ҳайдаровга омад тилар эканмиз, ниятинг йўлдошинг бўлсин, халқимизнинг дуолари қўлласин, деймиз.

8-бет

«ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ИНСОН»



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси академик Мурод Шарифхўжаев ва юридик фанлари доктори Фахри Раҳимовнинг Москвадаги «Труд» газетаси Китоблар уйи томонидан шу йил бошида чоп этилган «Человек, определивший эпоху» китобини «Давр белгилаб берган Инсон» номи билан кўпминг нусхада ўзбек тилида нашр этди.

Ўзбекистон истиқлолининг 13 йиллигига бағишланган, муаллифларнинг сўнгги йилларда Россиянинг «Труд» газетасида чоп этилган мақолаларидан таркиб топган мазкур китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари илмий-публицистик тарзда ифода этилган.

Унда мустақил давлатимиз асосчиси Президент Ислом Каримовнинг сиёсий-назарий қарашлари, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг ўзига хос қирралари очиб берилган.

Китобнинг «Давр белгилаб берган Инсон», «Асрларга тенг йиллар», «Бозор сари йўл», «Ҳуқуқий давлат», «Ижтимоий давлат», «Фуқаролик жамияти сари» бўлимларида мамлакатимиз танлаган тараққиёт моделининг стратегияси, миллий давлатчиликнинг конституциявий асослари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий йўли, аниқ мақсадга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат чуқур таҳлил этилган.

Шунингдек, китобда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда юксалиб бораётган обрў-эътибори, Юртбошимизнинг мамлакатимиз ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги қатъиятига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиш жараёнлари ва босқичлари атрофлича ёритилган.

(ЎзА)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

Абдураҳмонов Маҳмуд Раҳматуллаевич — «Устазода» халқ амалий санъати корхонаси ганч ўймакори, Тошкент шаҳри

Муҳамедов Давлат Қодирович — Хоразм вилояти бадиий ва амалий ишлаб чиқариш корхонаси наққош — устаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Саматов Саме — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Юсупов Қобил Ёқубович — Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани маданият уйи мусиқа раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абипов Юсуп Жумабоевич — Қорақалпоғистон Республикаси «Айқулаш» миллий рақс ансамбли балетмейстери

Бобожонова Амина Амиржоновна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Ғафуров Бердишукур Фозилович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

Зарипов Улуғбек Фахриддинович — «Ўздавлатцирк» бирлашмаси артисти, чавандоз

Илёсов Дони Абдусаматович — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Каюмов Шуҳрат Ҳамидуллаевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Кудашкин Валерий Владимирович — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Мадумарова Лайло — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

Хўжаева Комила — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси.

Мансурова Шамшиқамар Жариповна — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Муҳаммаджонов Ботир Аҳмедович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Ниёзов Сойибжон Наврўзович — «Ўзтелерадио» компанияси «Мақом» ансамбли хонандаси

Сайфуллаев Алишер — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

Ҳакимов Солижон Турғунович — Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актёри

Холмирзаев Боир Мирзаалиевич — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Шерматов Комилжон Эркинович — Ўзбек миллий чолғу асбоблари «Сўғдиёна» камер оркестри созандаси

Қодиржонова (Мирзакулова) Дилнура Шукуровна — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Бекчанов Қурбонбой Ёқуббобоевич — Ўзбекистон Бадиий академиясининг Хоразм вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори

Ерошина Галина Викторовна — Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

Маҳмудова Ҳамида Аҳоловна — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

Саидкаримов Ўткир Саидабдуллаевич — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти

Содиқов Санжар — Ўзбекистон Миллий университети профессори

Усмонов Қамар — Тошкент молия институти кафедра мудири

Худойкулов Холиқул Имомович — Навоий вилояти, Нурота тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

Шахназаров Шариф Холлиевич — Республика олимпия ўринбосарлари коллежининг оғир атлетика бўйича бош мураббийси

Юсупова Нортожи Чонаевна — Наманган санъат коллежи директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Зарипова Раънохон — «Соғлом авлод» газетаси бош муҳаррири

Раҳматов Нусратилло (Нусрат Раҳмат) — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, публицист

Тошхўжаев Акрам Сайдакбарович — «Ўзтелерадио» компанияси «Спорт» телеканали шахмат шарҳловчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР»

Тўхтаев Сайдиахрол — Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Абдиқодиров Сувонқул — Самарқанд вилояти «Чавки» фольклор — этнографик ансамбли бадиий раҳбари

Ортиқбоева Ҳаётхон — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари ўринбосари

Зарипов Азат — Хоразм вилояти, Хива тумани маданият ишлари бўлими раҳбари

Назармуҳамедов Собир Кўчқорович — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри

Рўзибоева Людфия — «Ўзтелерадио» компанияси «Болалар» студияси режиссёри

Сисоев Николай Петрович — Навоий вилояти «Фарҳод» маданият саройининг директори

Солиев Адҳам Назирович — Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар маданият ишлари бўлими раҳбари

Убайдуллаев Ғайрат — «Ўзтелерадио» компанияси «Тошкент» телеканали режиссёри

Ҳазраткулов Мурод Мукумович — Қашқадарё вилояти, Талимаржон шаҳри Алишер Навоий номидаги маданият маркази раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Аҳмедов Эркин Ғаниевич — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси марказининг эпидемиолог — бактериологи

Комилов Ҳайдар Позилович — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессори

Сабуренко Юрий Федорович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика нейрохирургия илмий маркази бўлим мудири

Хўжаева Матлуба Ғаниевна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика онкология илмий марказининг нур ва кимёвий даволаш бўлими илмий раҳбари

Хўжамбердиев Мамазоир — Андижон давлат тиббиёт институти ректори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Мурадасилов Сервер Диляверович — Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари коллежининг дзюдо бўйича мураббийси

Шевченко Валентина Васильевна — Навоий тоғ-кон комбинатига қарашли спорт клубининг бадиий гимнастика бўйича бош мураббийси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Қутибоев Еркинбой Менлибоевич — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон филиали директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Азизхўжаева Наиля Назировна — Тошкент давлат педагогика университетининг кафедра мудири

Насриддинов Аҳмад Камолович — Наманган вилояти, Давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежининг касбий фан ўқитувчиси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бобоназарова Мариника Маратовна — Қорақалпоқ давлат санъат музейи директори

Йўлдошев Баҳодир Турсунович — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг бадиий раҳбари

Йўлчиева Муножотхон Абдувалиевна — М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

Кист Александр Алексеевич — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти лаборатория мудири

Қурбонова Нодира Сахобовна — «Томоша» болалар фольклор театр студияси бадиий раҳбари

Қурбонов Янгибой — Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, «Кўҳна шаҳар» қишлоқ врачлик пункти катта фельдшери

Мўминов Раҳматулла Турдиевич — Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани маданият ишлари бўлими раҳбари

Турсунова Марҳабо Ҳожиевна — Самарқанд шаҳридаги 9-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Йўлдошева Муҳтабар — Андижон вилоят «Лола» қўғирчоқ театри актёри

Қосимов Миржалол Қўшоқович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори, республика олий спорт маҳорати мактаби йўриқчиси

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Баҳодир Абдурашитович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси дубляж бўлимининг бошлиғи

Аҳмедов Одил — Андижон вилояти маслаҳат ва диагностика маркази шифокор-жарроҳи

Бегматов Абдували — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири

Бекимбетов Жумамурат Кутлимуротович — Нукус шаҳар енгил ва озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

Ботирова Мавлуда Ражабоевна — Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» уйи ҳамшираси

Мавлонова Клара Оқиловна — Жиззах вилояти руҳий касалликлар диспансери бош шифокори

Раҳимов Ваҳоб — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

Раҳимова Адолатхон Нажмиддиновна — Бухоро шаҳар марказий шифохонаси бўлим мудири

Саъдиев Хайрулла Ҳабибович — Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри актёри

Содиқова Муҳтарам — Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи

Солиев Талат — Ўзбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририяти шарҳловчиси

Тожиев Ҳабибулла Ҳикматович — Курашни ривожлантириш бутунжаҳон жамғармаси раиси, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси

Тошкенбоев Эркин Шокиржонович — «Саҳнадаги цирк» корхонаси бош режиссёри

Тўлаганов Абдулла Абдурахимович — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси оператори

Тухватуллин Ильяс Хамидович — Альпинизм ва қояларга чиқиш спорти бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Ўтбосаров Турсун Саидович — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси катта муҳаррири, мусиқа танловчи

Шоҳисмоил ўғли Фиаз (Файзи Шоҳисмоил) — «Жаҳон адабиёти» журнали масъул котиби, шоир

Шур Ирина Алексеевна — Ўзбекистон «Видергебурт» немис маданий марказининг раиси

Эргашев Ибодулла — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори вазифасини бажарувчи

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Туреева Нурия Кудияровна — Ўзбекистон Республикаси Хотинқизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимжонова Дилбар Магрибжоновна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари

Арқаев Иноят Каримович — Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти мудири

Ким Виталий Яковлевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали реанимация бўлими мудири

Мекашев Айдарбек — Наманган вилояти, Учқўрғон тумани марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

Мўминова Гулистон Ибрагимовна — Қарши шаҳар 3-болалар поликлиникасининг ҳамшираси

Тўхтамишева Розия Тошмуротовна — Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани марказий шифохонасининг бўлим бошлиғи

Тўхтаназарова Гулнора Маҳмаджоновна — Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокори

Умаров Иброҳимжон Саматович — Фарғона вилояти болалар шифохонасининг чақалоқлар жарроҳлик бўлими мудири

Ураимова Патмахон Абдинабиевна — Андижон вилояти, Асака педагогика коллежи касбий таълим фан ўқитувчиси

Эффа Мария Львовна — Хоразм вилояти 11-болалар уйининг катта ҳамшираси

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва баҳрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бахтеева Любовь Васильевна — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз-монтаж устаси

Буркутская Нина Робертовна — Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси бўлим мудири

Дегтярева Нина Николаевна — Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

Дюгай Платон Владимирович (Пўлат Дониёров) — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Қаландаров Ситмамат — Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Хоразм вилоят бўлими раиси

Камолов Шокир Шарифович — Бухоро вилоят бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасининг филиал бошлиғи

Орлов Владимир Алексеевич — Марказий ҳарбий спорт клубининг эркин кураш бўйича мураббийси

Пўлатова Мамлакат Акмаловна — «Ўзтелерадио» компанияси Тошкент халқаро радиоси муҳаррири

Салпинкиди Иван Панаетович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Султонов Ҳамид Ибрагимович — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари

Тю Тхи Ким Зунг — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Эгай Семен Борисович — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги «Экофильм» студияси раҳбари, кинорежиссёр

Ядринская Мая Рудольфовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Аббосова Дилором Йўлдошевна — «Ўқитувчи» нашриёти кимё-биология ва умумтехника адабиётлари таҳририятининг катта муҳаррири

Абдуллаева Шаҳноз Каримжоновна — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Аблязова Незия Джевдетовна — Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Усмон Юсупов номидаги ширкат хўжалиги қишлоқ врачлик пункти мудири

Азимова Шоҳиста Абдулазизовна — Тошкент Ислом университетининг «Зиё» студияси интернет-провайдери

Алимбекова Жумагул Мауленовна — «Нурлы жол» газетаси бўлим мудири

Алимов Чори — Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманидаги «Тараққиёт» газетаси муҳаррири

Алихонов Шавкат Ғайратович — «Ўзтелерадио» компанияси республика телемаркази таъмирлаш цехи бошлиғи

Алламуротов Менгнор Мамаюсупович — «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Сурхондарё вилояти мухбири

Анваров Ғайрат — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этиш цехи матбаачиси

Отажонов Отаназар Эгамович — Хоразм вилояти Ногиронларни тиббий — ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази фельдшери

Балашов Александр Григорьевич — Республика олимпия захиралари спорт коллежининг стол тенниси бўйича бош мураббийси

Баҳронов Шоди — Навоий вилояти, Навоий шаҳар «Нурчилар» тиббий санитария қисми бош шифокори

Бекбўтаева Рихси Нурматовна — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри бўлими таъриботчиси

Бердикулов Қодир — Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг шифокори

Бийназова Наврўза Неъматуллаевна — «Ўзтелерадио» компанияси «Спорт» телеканали катта муҳаррири

Ғаппоров Зокиржон — Наманган тумани «Гулдиров» қишлоқ — врачлик пункти шифокори

Данилов Игорь Васильевич — Давлат патент идораси бўлим бошлиғи

Жангабоев Тожибой — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Урганч бекати темир йўл шифохонаси жарроҳи

Зайнутдинова Ильмира Шариповна — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбири

Зокирова Очахон Турдалиевна — Фарғона вилояти Риштон саноат касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

Ибрагимов Ислом Исмоилович — Тошкент шаҳар эксперименталь тажриба ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати раҳбари

Эгамбердиева Кумуш Санатовна — «Тошкент ҳақиқати» газетаси корректори

Эргашева Роҳат Жўраевна — Тошкент матбаа комбинатининг муқовалаш цехи машинисти

Исоқова Муҳайё Сирожиддиновна — Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

Исломбеков Эркин Султонович — В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим раҳбари

Каменский Дмитрий Николаевич — Тошкент трактор заводи қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббий-ўқитувчиси

Комиссарова Наталья Петровна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газета чоп этиш цехи монтажчиси

Қурбонов Эшқўзи Олимович — Тошкент вилояти, Бекобод тумани 2-қишлоқ врачлик пунктининг фельдшери

Кушниренко Нейля Михайловна — Бухоро вилояти тери-таносил касалликлари диспансери лаборатория мудири

Латипов Ҳалим Рафиқович — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

Латипова Лазокат Собиржоновна — Тошкент Ислом университетининг «Зиё» студияси муҳаррири

Мардаев Гулмурод Ҳайдарович — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон қурилиш ва гидротехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Матмусаева Мукаррамхон Тўхтаохуновна — Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Маҳмудов Маърифжон Мирзакулович — Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Маҳмудова Назира Қўчқоровна — Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар 1-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Мирдадаев Саидаҳмад — «Ўзтелерадио» компанияси радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг цех бошлиғи

Мирзараҳимов Тўхтамурод Тўлаганович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбекистон» телеканали телеоператори

Миршахўжаев Собит Обиджонович — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Мусакаева Альфия Адилевна — Ўзбекистон тарихи давлат музейи етакчи илмий ходими

Нажмиддинов Саид Маликович — Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Никадамбоев Одил Олимжонович — Тошкент давлат техника университетининг магистранти

Одилов Сурат — «Ўзтелерадио» компанияси «Маърифат» студияси бўлим бошлиғи

Отабоев Шерзод Фарходбекович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, дизайнер

Пономарев Геннадий Сергеевич — Тошкент шаҳар 6-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича катта мураббийси

Рустамова Хосият Исломалиевна (Хосият Рустамова) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Собирова Қундузой — Республика Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг Жиззах вилояти филиали шифокори

Саъдуллаев Нозимбек — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси ёритиш цехи бошлиғи

Саломова Саодат Рауфовна — Навоий кончилик коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Сапаров Алауатдин Разович — Қорақалпоғистон Республикаси «Билим» нашриёти ишлаб чиқариш бўлими мудири

Сейлханова Загипа — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар болалар уйи ҳамшираси

Тожиева Шарофат Умаровна — Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Турсунов Мейли Бекмуродович — Қашқадарё вилояти Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ўқитувчиси

Умаров Мурод Жалолович — Сирдарё вилояти таэквондо ассоциацияси раҳбари

Ўролов Исроил — Жиззах туман иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиси

Ўринова Бибигул Ёдгоровна — Навоий шаҳридаги меҳрибонлик уйининг бош тарбиячиси

Ўрунов Санатжон Аҳмедович — Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси бош мутахассиси

Усмонов Азимбек Низомович — «Ватанпарвар» газетаси бўлим муҳаррири

Усманов Иноят Шоюнусович — «Ўзтелерадио» компанияси Халқаро алоқалар департаменти директори ўринбосари

Халилова Шабон Жумаевна — Бухоро шаҳар миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг муҳандис-педагоги

Ҳамробекова Рихси Умирзоқовна — Тошкент вилояти, Янгийўл саноат касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

Ҳасанов Боймат Баянович — Жиззах вилояти «Жиззах» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

Ҳасанова Любовь Тихоновна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Хўжаев Собиржон — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси телеоператори

Хўжаева Рисолат Рамазоновна — Бухоро шаҳридаги эркаклар мурувват уйи санитари

Цай Людмила Ивановна — Тошкент шаҳар, Миробод тумани 38-оилавий поликлиника шифокори

Шоймардонов Саъдулла Раҳмонович — Қашқадарё вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари услубият маркази режиссёри

Шаипов Рафик Мирхайдарович — Оммавий спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси

Шукруллаева Инобатхон Курязовна — Хоразм вилояти, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

Юсупова Гулчехра Шарифовна — «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти ҳамрох-таржимони

Яковец Юрий Матвеевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри муҳандиси

Ёқубов Қодиржон Собитович — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Наманган вилояти, Учқўрғон туман бўлими раҳбари

Қаноатов Толиб Қаноатович — Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти бадиий муҳаррири

Қодирова Дилфуза Носировна — Фарғона вилояти, Фурқат тумани 6-маданият уйи бадиий раҳбари

Қосимова Ҳуррият Хусановна — Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг катта лаборанти

Курбонов Тўхтасин — Андижон вилояти, Пахтаобод тумани «Давр садоси» газетаси бўлим мудири

Ҳакимова Шамсия Ҳабибовна — Бухоро вилояти, Ромитан туман кутубхонаси мудираси

Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович (Улуғбек Ҳамдам) — Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходими, ёзувчи

Ҳотамов Абдусаттор Абдумаликович — Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Истиқбол» газетаси бош муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 август

Фракция йиғилиши:

ФАОЛЛИК ВА ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олий Мажлисдаги фракциясининг сессияолди мажлиси бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари, республика Молия вазирлиги раҳбарлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик олиб борди.

Фракция йиғилиши иштирокчилари эътиборига республика молия вазири Саидаҳмад Раҳимовнинг мазкур сессия муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисидаги маърузаси ҳавола этилди.

Саидаҳмад РАҲИМОВ, молия вазири:

— 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқланган кўрсаткичлар ва республика ҳукуматининг тегишли қарорларига мувофиқ ижро этилмоқда. Унинг даромадлари ҳисобот даврида 1 триллион уч юз олти миллиард сўмни ташкил этди. Бюджет даромадларининг таркибида бевосита солиқлар бўйича тушумлар 327,4 млрд. сўмни ташкил этганлиги ва уларнинг ҳажми, бюджет даромадларидаги салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 26,5 дан 25,1 фоизгача пасайганини кўриш мумкин. Шу билан бирга белгиланган даромад режаси ошириб бажарилди. Бевосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,5 фоизга кўпайди...

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат бюджетининг даромадлар режаси Давлат солиқ қўмитаси бўйича 103,3 фоизга, Давлат божхона қўмитаси бўйича эса 104,5 фоизга бажарилди.

2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат бюджети маблағлари жорий ҳаражатларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш билан бир қаторда Олий Мажлис ҳамда мамлакатимиз ҳукумати томонидан белгилаб берилган ижтимоий ва иқтисодий тадбирларни амалга оширишга йўналтирилди. Ҳисобот даврида давлат бюджети харажатлари 1 триллион 246 миллиард сўмни ёки давлат бюджети йиллик режасига нисбатан 45,4 фоизини ташкил этди. Давлат бюджети ҳаражатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг етакчи ўрни сақлаб қолинди. Улар 592,4 миллиард сўмни ёки бюджет жами ҳаражатларининг 47,5 фоизини ташкил этди. Шундан маориф муассасаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника ўқув базасини яхшилаш ҳаражатларига 347 миллиард сўм ёки бюджет жами харажатларининг деярли 28 фоизи ажратилди. Соғлиқни сақлаш тизими харажатларига 118,6 миллиард сўм йўналтирилди...

2005 йилги давлат бюджети лойиҳаси жорий йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кутилаётган натижалари, барча тармоқларда кузатилаётган иқтисодий ўсиш, шунингдек, келгуси йил учун муҳтарам Юртбошимиз белгилаб берган мамлакат ижтимоий-иқтисодий равнақининг қуйидаги устувор йўналишларини амалга ошириш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Биринчидан, ялпи ички маҳсулотнинг 7 фоизга ўсиши, йиллик инфляция даражасининг 5 фоиздан ошмаслиги.

Иккинчидан, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унинг иқтисодий ривожланишдаги ҳамда аҳолининг моддий фаровонлигини кўтаришдаги ҳиссасини ошириш.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликлари ривожи учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Тўртинчидан, иқтисодиётга солиқ юкини камайтириш бўйича тадбирларни изчил давом эттириш. Давлат харажатларини оптималлаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни янада кучайтириш.

2005 йилги давлат бюджетига асос қилиб олинган солиқ сиёсатини иқтисодиётга солиқ юкини янада камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар билан бир қаторда иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ва кам самарали солиқ имтиёзларини бекор қилиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишида уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга қаратилган.

Молия вазирининг батафсил ҳисоботидан сўнг қизғин саволжавоб, баҳс-мунозара бошланди.

Жамшид САЙФИДДИНОВ, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

— 2004 йилнинг биринчи ярмида бюджет ижросининг 103 фоизга бажарилиши жуда кам учрайдиган ҳолат. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлашиб бораётганидан дарак беради. Аслида, бюджетга тушадиган тушумлар биринчи ярим йилликда иккинчи ярим йилликка нисбатан кам бўлади. Чунки, аграр мамлакат бўлганлигимиз учун асосий тушумлар иккинчи ярим йилликда тушади.

Харажат қисмида ҳам йиллик ҳисобда 58 фоиз молиялаштирилибди. Бу ҳам камдан-кам учрайдиган ҳолат. Аммо, бу маблағлардан тўғри фойдаланиш борасида бироз муаммолар бор. Мана масалан, қурилиш соҳасида кўп учрайдиган ўзлаштиришлар. Бундай ҳолатларни Молия вазирлигининг ўзи ҳам кўплаб аниқлаяпти. Бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг олди олинса, жуда тўғри иш бўлар эди. Чунки, бюджет маблағи — халқимизнинг мулки.

Руфат РАЗЗОҚОВ, ЎзХДП МК ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзоси:

— «Меҳр ва мурувват йили» дастурини молиялаштиришга 172 миллиард сўм ажратилибди. Бу йўналишда келажакда бюджетдан қанча маблағ сарфланади?

Саидаҳмад РАҲИМОВ:

— Давлат бюджетидан ҳар йили меҳрибонлик уйлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, қарияларни ижтимоий муҳофазалаш учун маълум маблағ ажратилади. Бу маблағ миқдори йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. 2005 йил учун ҳам бу маблағлар миқдорини тахминан 1,2-1,3 марта кўпайтириш режалаштирилган.

Машкура САФОЕВА, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси:

— Ҳар йили эндигина мактабга борган биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари (турли ўқув қуроллари) берилади ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-кечаклар тарқатилади ва бунинг учун давлат бюджетидан маълум маблағ ажратилади. Жойларда бўлганимизда ота-оналар, мактаб ўқитувчиларидан уларнинг сифатига етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисида кўплаб шикоят тушаяпти. Шуларни эътиборга олиб Молия вазирлиги ўтказиладиган тендер савдоларини ҳам назорат қилишни ҳалол, пок, виждонли одамларга топшириши керакмикин?

Саидаҳмад РАҲИМОВ:

— Жуда тўғри муаммо қўйилди. Мен сизларга шу механизмни тушунтириб бермоқчиман. Молия вазирлиги Республика Олий Мажлиси ва ҳукумати қўйган талаблар асосида ҳар йили маблағ ажратишни режалаштиради. Тепадан туриб маблағ бериш йиллар давомида самарасиз эканлигини кўрсатди. Шунинг учун жойлардаги муаммоларни кўриб-билиб турганларга маблағ берилиши ташкил этилди. Сиз айтаётган мактаб ўқувчиларига ажратилган маблағлар Халқ таълими вазирлигига, улар эса вилоятлардаги бошқармаларига ажратиб беради. Вилоят халқ таълими бошқармалари ваколати доирасида ўзи маблағ сарфлайди ва вакилий органга ҳисобот беради. Бу ҳам яхши иш. Аммо, бу ерда ҳам ҳаммаси ҳам яхши эмас. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳам, вилоятларда ҳам ўқувчиларни ташиш учун автобуслар ажратилган. Аммо, уларнинг кўпчилиги ишламайди. Ёки ишламаслиги учун сабаб топилади. Ўқувчиларни ташиш учун ажратилган автобусларнинг ҳаммаси ишлаши керак. Ўқувчиларни ташиш учун ажратилган автобусларнинг ишламаслиги ҳақида ҳам ўзим ҳам эшитиб қолдим. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

Машкура САФОЕВА, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси:

— Ҳар йили эндигина мактабга борган биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари (турли ўқув қуроллари) берилади ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-кечаклар тарқатилади ва бунинг учун давлат бюджетидан маълум маблағ ажратилади. Жойларда бўлганимизда ота-оналар, мактаб ўқитувчиларидан уларнинг сифатига етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисида кўплаб шикоят тушаяпти. Шуларни эътиборга олиб Молия вазирлиги ўтказиладиган тендер савдоларини ҳам назорат қилишни ҳалол, пок, виждонли одамларга топшириши керакмикин?

Саидаҳмад РАҲИМОВ:

— Жуда тўғри муаммо қўйилди. Мен сизларга шу механизмни тушунтириб бермоқчиман. Молия вазирлиги Республика Олий Мажлиси ва ҳукумати қўйган талаблар асосида ҳар йили маблағ ажратишни режалаштиради. Тепадан туриб маблағ бериш йиллар давомида самарасиз эканлигини кўрсатди. Шунинг учун жойлардаги муаммоларни кўриб-билиб турганларга маблағ берилиши ташкил этилди. Сиз айтаётган мактаб ўқувчиларига ажратилган маблағлар Халқ таълими вазирлигига, улар эса вилоятлардаги бошқармаларига ажратиб беради. Вилоят халқ таълими бошқармалари ваколати доирасида ўзи маблағ сарфлайди ва вакилий органга ҳисобот беради. Бу ҳам яхши иш. Аммо, бу ерда ҳам ҳаммаси ҳам яхши эмас. Масалан, Тошкент шаҳрида ҳам, вилоятларда ҳам ўқувчиларни ташиш учун автобуслар ажратилган. Аммо, уларнинг кўпчилиги ишламайди. Ёки ишламаслиги учун сабаб топилади. Ўқувчиларни ташиш учун ажратилган автобусларнинг ҳаммаси ишлаши керак. Ўқувчиларни ташиш учун ажратилган автобусларнинг ишламаслиги ҳақида ҳам ўзим ҳам эшитиб қолдим. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

латидан ташқарисини туман бўлимларига ўтказиб беради. Тендер, сотиб олинаётган маҳсулот сифати масалалари билан уларнинг ўзлари шуғулланади.

Албатта, Молия вазирлиги қараб ўтирмайди. Вазирликдан пул тушган объектларда пулнинг мақсадли ишлатилишини назорат қиладиган бошқармамиз бор. Улар томонидан бирор бир ножўя хатти-ҳаракатлар аниқланса, кейинги йил пул ажратилаётганда, албатта бу ҳисобга олинади.

Давлатимизнинг асосий иқтисодий қонуни ва унинг ижроси таъминланишига оид ушбу масала ҳар галгидек катта қизиқиш ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Шунингдек, депутатлар машваратида Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартибига киритилаётган бошқа масалалар, қонун лойиҳалари юзасидан ҳам турли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларни ушбу қонунлар лойиҳаларининг сессиядаги муҳокамасида қандай ҳимоя қилиш лозимлиги ҳақида келишиб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

●●●

Суратларда: фракция мажлисидан лавҳалар

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ХДП ташкилотлари конференциялари

ИШОНЧ, КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ

КЕЛГУСИ ИШЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА КЎМАКЛАШИШИ, ФАОЛЛИККА ЧОРЛАШИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИНИНГ III КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ЯНА БИР БОР ТАЪКИДЛАНДИ

Партия ҳаёти ва фаолияти улкан дарахт тимсоли. Илдизлари — ишонч, танаси — ҳаракат, япроқлари — ҳаётбахшлик. Илдиз чуқур томир ёйган бўлса, тана ва япроқлар яшнайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам навниҳол бўй кўрсатиб ўсяпти. Халқ орасидаги обрўси ошяпти.

Партиянинг Андижон вилоят ташкилоти III конференцияси мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги нишонланишига қизғин тайёргарлик кўрилаётган қутлуғ кунларга тўғри келди. Бундай пайтда кўпчиликнинг кайфияти байрамона бўлади.

Кўп йиллардан буён қадрдон партиядошларим билан анжуман аввалида кўришганимда бу ҳолат яққол сезилди. ЎзХДП Избоскан туман кенгаши биринчи котиби Қумрихон Хўжаева йиғинга ҳаммадан барвақт келибди. Тўғрисўз, жонкуяр, ёниб ишлайдиган Қумрихон доим бошқаларга ибрат бўлишга интилади. Камчиликларга муросасизлиги боис иллати борлар унинг олдида қалтирайди.

— Сўзга чиқасиз шекилли, барвақт келибсиз, — дедим гап орасида Қумрихонга.

— Тайёргарлик кўрдим, — деб лўнда жавоб қилди у. — Конференция катта йиғин. Унинг кўнгилдагидек ўтиши ҳаммамизга боғлиқ.

Конференция қизғин, кўтаринки руҳда бошланди. Дастлаб унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Рустамжон Тиллабоевнинг ҳисоботи тингланди.

— Ташкилотимиз ҳисобот даврида, давлатимиз раҳбари И.Каримов бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда партия Дастури ва Низоми асосида муайян ишларни амалга оширди, — деди нотиқ. — Ўтган беш йил мобайнида вилоят партия кенгашининг ўн битта пленуми, ижроия бюросининг 28 та, котибиятнинг 16 та мажлиси бўлиб ўтди. Уларда вилоят ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётига ҳамда партиянинг ташкилий ишларига оид 168 та масала кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўтган даврда вилоят партия кенгашига 24 та хат, шикоят ва мурожаат тушди. Улардан 16 таси ижобий натижасини топди. Қолганлари кўриб чиқиш ва чора кўриш учун тегишли ташкилотларга юборилди.

Партия фаоли Шаҳобиддин Ҳайдаровга Андижон шаҳрилик фуқаро йўлиқиб, кўнглини очди.

— Ҳаётда адашдим, — деди мунгли кўзлари жовдираган киши. — Ёшим бир жойга етганида ёлғиз қоляпман. Оилам барбод бўляпти. Бошпанам йўқ. Умидим сизлардан, нима қилишга ҳам бошим қотди.

Ҳаётда мушкулликка учраганларга ёрдамлашиш инсоний бурч. Шаҳобиддин у инсонга меҳрибонлик, дўстдек муносабатда бўлди. Мўйсафиднинг оила аъзолари билан суҳбатлашди. Бир-икки идорага учраб вақтинчалик бўлсада оила учун уй топди. Уларнинг оғирига елкадош бўлди.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, дейдилар. Кўпчиликнинг кўмаги билан бир оила тикланиб, ҳамжиҳатлик қарор топди. Шаҳобиддин ҳам, партия ташкилоти ҳам раҳмат олди. Эшитишимизга қараганда, бугун оила Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг жонсарак фаолларининг одамийлиги ҳақида юртдошларга сўзлаб юрган экан. Ҳаёт синовларидан сўнг оила бошлиғи тақдирини партия билан боғлади.

Партия сафларининг ўсиши ва унга нисбатан ишончнинг ортиши Шаҳобиддин сингари партиядош фаолларнинг холис ҳаракатлари билан боғлиқ. Ўтган беш йилда 12360 нафар фуқаро партия сафига қўшилгани ҳам бундан далолат.

Ҳаёт шиддаткор. Доимо ўқиб-ўрганмаган унга хамқадам бўлолмайди. Партиянинг раҳбар кадрларига партия иши кўникмаларини чуқурроқ эгаллашга ёрдам бериш, улар билан тажриба алмашиш мақсадида партия Марказий Кенгаши тавсиясига биноан ҳар йили аввал вилоятда, кейин 18 та туман ва шаҳар кенгашларида ўқув семинарлари ўтказиб борилди. Анжуманлар асосан миллий мафкура, партия ҳаёти ва парламентчилик фаолиятига доир масалаларга бағишланди.

Шу йил апрель-июнь ойларида мавжуд бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтди. Уларда жами 50018 нафар партия аъзоларидан 48907 нафари ҳамда 2800дан зиёд партиясиз тарафдорлар иштирок этдилар. 3374 нафар фаол сўзга чиқди. Улар ўз сайланма ишини танқидий руҳда таҳлил этиб, йўл қўйилган камчиликларни, уларни бартараф этиш, партия ташкилоти салоҳиятини юксалтириш юзасидан кўплаб таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Ҳисобот конференциялари Булоқбоши, Қўрғонтепа, Марҳамат, Бўз, Улуғнор, Жалолқудуқ туманларида жонли, таъсирчан ва ишчанлик билан ўтди.

Ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш мақсадида партия ташкилотлари қошида «Истиқбол» ёшлар клублари ташкил қилинди. Бугунги кунда 183 та ана шундай клуб фаолият кўрсатяпти. Вилоят партия кенгаши қошида «Ёшлар маркази», хотин-қизлар сектори ташкил этилди.

Кези келганда очиқ айтиш керакки, вилоят партия кенгашининг фаолиятида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. Партия ташкилотларининг тизимини такомиллаштиришга етарли эътибор берилмади. Жойлардаги ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил бўлди. Шуни ҳисобга олиб, уларда лозим ҳолларда янги бошланғич партия ташкилотлари ёки партия гуруҳлари тузиш тўлақонли бажарилмади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг тавсиясига биноан барча даражадаги сайлов округларида партия гуруҳларини тузишга қарор қилинди. Лекин партия гуруҳлари фаолияти сезилмади, бу худди расмиятчилик учун ташкил этилгандек бўлиб қолаверди. Ваҳоланки, улар айнан ҳозирги сайлов тадбирлари яқинлашаётганини ҳисобга олиб, ҳар қачонгидан ҳам илдамроқ ҳаракат қилишлари керак.

Мунозаралар қизғин ўтди. Қатор қимматли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Конференция ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаззам Шамсибоева сўзга чиқдилар.

Конференция охирида Қумрихонни ЎзХДП Улуғнор, Қўрғонтепа, Марҳамат туманлари кенгашлари биринчи котиблари — Жаннатхон Исмонова, Зулхумор Каримова, Абдуғаффор Абдужабборов билан шу куни тантанали тарзда ЎзХДП аъзолиги билетини олган ёшлар даврасида учратдим. Уларнинг кайфияти кўтаринки эди. Буни кўриб кейинги ишлар янада яхши бўлишига умид қилиш мумкин.

— Бу кун бир умрга ёдимда қолади, — деди Матлубахон Абдурасулова. — Қўлимга партия аъзолиги билетини Марказий Кенгашнинг биринчи котиби топширди. Партия ишида фаол бўлиш билан ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

●●●

Конференциядан кейин бўлиб ўтган ташкилий пленумда Рустамжон Тиллабоев Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби, Одинахон Мадаминова иккинчи котиби этиб қайта сайландилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

●●●

Суратда: анжуман фаолиятидан лавҳа.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **Янгиариқ туман партия кенгаши** ташаббуси билан мустақиллик байрами олдидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган учрашув ташкил қилинди.

● **ХДП Марҳамат туман кенгаши** «Сайлов қонунчилигини ўрганамиз» мавзуидаги тадбирлар доирасида «Марҳамат пилла» давлат акционерлик жамиятида икки палатали парламентнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида суҳбат ўтказди.

● **ЎзХДП Янгиариқ туман кенгаши**да партия фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, фуқароларни сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгартиришлар билан таништириш масалаларига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

● **ХДП Хонқа туман кенгаши** Томадургадик қишлоғида «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида тадбир ўтказди.

● **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши** Қирғиз миллий маданий маркази билан биргаликда Дўстлик туманидаги «Манас» хўжалигида учрашув ташкил қилди. Унда иштирок этган фаоллар фуқароларга сайлов қонунчилиги, депутатликка муносиб номзодларни танлаш тўғрисида гапириб бердилар.

● **Ўзбекистон ХДП Нурота туман кенгаши** томонидан юртимиз мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ногирон, кам таъминланган, уйида ўқитиладиган 23 нафар болага ўқув қуроллари тарқатилди. Шунингдек, партия кенгаши туман маҳаллалари болалари ўртасида «Истиқлолим сени куйлайман» деб номланган бадиий-мусиқий танлов ташкил этиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

● **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши** Қарши шаҳридаги «Бўстон», «Отчопар» маҳаллалар фуқаролар йиғинларида вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра», «Огоҳ бўлиш бурчимиз» мавзуида тадбирлар ўтказди.

Тадбир

ОНАЛАР — ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ўзанларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизлар шўъбаси бугунги кунда аёлларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, оналарнинг баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишларига алоҳида эътиборни қаратмоқда.

Ўзбек Миллий академик театрида ушбу шўъба томонидан «Оналар — тинчлик тарафдори» мавзусида маданий маърифий тадбир ўтказилди.

Улуғ кун остонасида туришмиз, Мустақиллигимизнинг 13 йиллик тантанаси яқинлашяпти. Тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳам ушбу санага бағишланди. Зеро, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, уларга янги имкониятлар берилиши боиси шунда. Яқинда Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларимиз, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги яна бир эзгулик сари қадамдир.

Тадбирда ХДП МК биринчи котиби А.Рустамов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Зуҳра Ботирова, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси маслаҳатчиси Абдураззоқ Юнусов, Олий Мажлис депутатлари Гулнора Ботирова, Ойниса Мусурмонова, Республика Рус миллий маданият маркази раиси Светлана Герасимова, Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди раиси Мавжуда Ражабовалар хотин-қизларимизнинг сиёсий фаоллиги, тинчлик ва осойишталикни асрашда оналар, опа-сингилларимизнинг роли хусусида ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ўзининг оналарга бағишлаган шеърлари, республикада хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Карим янги қўшиқлари билан иштирокчиларни хушнуд этдилар.

Тадбир охирида театр бадиий жамоаси томонидан «Аёлғу» спектакли намойиш этилди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

«МАҲАЛЛАМНИНГ БИР КУНИ»

Бугун Наманган шаҳри ҳудудида 79 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият олиб бормоқда. Шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан мавжуд маҳаллалар ўртасида «Маҳалламнинг бир куни» мавзуида тадбир ўтказиш йўлга қўйилган.

Унда ҳар бир маҳалла маънавий-маърифий, шунингдек, ободончилик бўйича ишлар қай даражада йўлга қўйилганлиги ҳисобга олинади.

Шаҳар марказидаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғининг очиқ саҳнасида ҳар оқшом иштирокчи маҳаллаларнинг бадиий чиқишлари уюштирилаётгани эътиборга сазовор. Бу эса ёшлар тарбиясига, миллий қадриятларимизни улар онгига сингдиришда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Яқинда Рафиқ Мўмин номли маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўтказилган тадбирга вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сафияхон Раҳимова ва барча туманлардаги хотин-қизлар ишлари бўйича мутасаддилар ташриф буюрди.

Қўшиқ-куй, халқ ўйинлари, маҳалла чеварлари, зардўзлари, косиб ва новвойлари томонидан тайёрланган санъат асари даражасидаги кўргазмалар, тарбиявий таъсир берувчи ҳаваскор театр труппаларининг саҳна намойишлари иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ИСТИҚЛОЛНИНГ 13 ИСТЕЪДОДИ:

БИЗ БИЛАМИЗ, ВАТАН БИЗНИ КУТМОҚДА

Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ

Мозий ҳақиқатларининг гувоҳлик беришича, аждодларимиз нафақат куч, балки заковат, салоҳият, илму ижод бобида ҳам бутун оламни ўз кафтларида тутиб турганлар. Диний, дунёвий билимлар борасида ҳам улар етиб борган юксак тоғларга ҳали ҳам ҳайрат ва алам билан тикилиб турганлар топилади. Лекин шу билан бирга бугунги дунё биздан ҳақли равишда кимлигимизни, нималарга қодирлигимизни сўрамоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши улкан имкониятларни очиб берди. Ўнлаб олий ўқув юртлари, касб-ҳунар масканлари қад ростлади, юзлаб, минглаб ёш истеъдодлар кашф этилди. Нафақат мамлакат, балки бутун дунё ўзбек ёшларининг билим-қудратига тан бермоқда. Тафаккур кучи Ватан сарҳадларидан ошиб, жаҳоннинг энг нуфузли университетлари, олий минбарларини забт этди. Буюк боболарга муносиб ворислик анъаналари Истиқлол туфайли қайта тугилди. Миллат қонида оқаётган маърифат кўз очди.

Юртбоши орзу қилган илмий мактабларимизда улғайган, камолот чўққисига қадам қўйган иқтидорли ёшлар овози дунёнинг турли бурчакларидан акс-садо бера бошлади.

...Америка, Англия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Мексика, Голландия, Испания, Германия, Франция, Миср... Яна ўнлаб илғор давлатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, албатта. Улар жаҳоннинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олиб, тажриба алмашиб, Ватан шон-шуҳратини юксалтирмоқда, миллатимиз салоҳиятини дунёга кўрсатмоқдалар. Истиқлолимизнинг 13 йиллиги арафасида миллат ғурури, мамлакат таянчи бўлган оловқалб ёшларимиздан рамзий маънода 13 нафарини танлаб олиб, эзгу ниятлари билан қизиқдик.

Олимжон ЭШМАТОВ, 1983 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Мактаб таълимидан сўнг Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетига ўқишга кирган. 2002 йилда Президент стипендияси совриндори. Айни вақтда Американинг Корнелл университети докторанти:



— Корнелл университети АҚШдаги энг зўр саккизта университетдан бири ҳисобланади. Бу даргоҳни туғатган мутахассисларга дунёда талаб жуда катта. Масалан, АҚШ ҳуқуқий идоралари раҳбарларининг асосий қисми, давлат арбоблари Корнелл университетида таҳсил олишган. Шунингдек, университетни туғатган ҳамда унда фаолият кўрсатаётган олимлардан 27 нафари Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Мен бир йил Америкада бўлиб, ёзги таътилда Ўзбекистонга келдим. Биласизми, Ватан қадри четга чиққанда билинар экан. Юртимни жуда соғиндим, — дейди Олимжон. — Америкадаги таҳсил давомида шунга ишонч ҳосил қилдимки, биздаги таълим тизими жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бераркан. Айниқса, ЎзМУда шаклланган математика мактабининг довруғи океан ортига ҳам етиб боргани мени жуда қувонтирди.

Бизнинг гуруҳимизда дунёнинг турли мамлакатларидан келган ўн бир нафар тадқиқотчи бор. Улар биринчи йили мажбурий курсларни ўташи шарт. Баъзан изланувчининг ўша фанлар билан таништилиги, шуғулланганлиги инобатга олиниб, у тўғридан-тўғри бу курслар бўйича имтиҳон топшириши мумкин. Мен барча фанлардан имтиҳонларни аъло баҳога топширдим. Таҳсилнинг иккинчи йилида йўналиш ва раҳбарим аниқланади. Мустақил равишда илмий кузатиш, чет элларга хизмат сафарига чиқиш, бакалаврларга дарс бериш имконияти пайдо бўлади.

Оиламизда уч нафар фарзандмиз. Катта акам Бахтиёр физика-математика фанлари номзоди. Ҳозир докторлик иши устида изланмоқда. Фарҳод акам мен билан бирга Корнелл университетида докторантурада таҳсил олаяпти. Акам бакалавр ва магистрларга дарс беради.

Ўзбек боласи АҚШ университетида дарс берса, энг яхши тадқиқотчи сифатида Корнелл университети президентининг махсус совғасини қўлга киритса, дунёнинг ўндан зиёд давлатларига бориб маъруза ўқиса... Булар барчаси истиқлол берган энг олий имкониятлар эмасми?

Олимжоннинг бизга юборган мактубидан: «...Америкада ўтказган ҳар бир лаҳзада юртим ва юртдошларимдан қарзим кўп эканлигини ҳис этдим. Насиб бўлса, докторлик диссертациямни ҳимоя қилиб, бутун куч-ғайратимни Ўзбекистон илм-фани ривожига сарф этаман».

Ирода АХТАМОВА, 1983 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. 2000 йилда Самарқанд давлат чет тиллар институтининг педагогика ва психология факультетига ўқишга кирган. Инглиз, француз, япон тилларини мукаммал билади. Ирода 2003 йил сентябрь ойида Япония Таълим вазирлиги грантини қўлга киритиб, Токио шаҳридаги София халқаро университетига ўқишга қабул қилинди:

— Японияга ўқишга таклиф этилганимда, — дейди Ирода, — кекса бобом менга ҳавас билан: «Сизларнинг даврингиз бизникидан тамоман бошқача, хоҳлаган давлатга бориб ўқишингиз мумкин. Совет тузуми даврида чет элда ўқиш тугул, у ҳақда ўйлаш ҳам мумкин эмас эди», дегандилар. Бу сўзлар замирида ота-боболаримизнинг узоқ йиллар етишолмаган орзу-армонлари ётган эди. Боболаримиз етолмаган манзилларга мустақиллигимиз туфайли бизнинг қадамимиз етиб борди.

Ўқиш мобайнида турли танлов ва халқаро конференцияларда ҳам фаол қатнашишга ҳаракат қиламан. Жумладан, Токио ва Кабе шаҳарларида ўтган анжуманларда қатнашиб, совринли ўринлардан бирини олдим. Менинг мақсадим — магистратурани ҳам Японияда ўташ. Келажакда дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларида етук мутахассис бўлиб, озод Ўзбекистон номини улуғлаш.

Хожиакбар ҚОДИРОВ, 1981 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 2002 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. 2003 йилдан Германиянинг Оффенбург университети магистри:

— Ўрта мактабда инглиз тилини ўргандим. Институтда эса немис тили билан мунтазам шуғулландим. Ўқишни имтиёзли диплом билан тугаллаб, ўз билимимни чет эл олий ўқув юртларида синаб кўриш мақсадида грант танловларида иштирок этдим. Мана бир йилдирки, немислар диёрида таҳсилни давом эттирмоқдаман.

Оффенбург университети Германиядаги йирик олий ўқув юртлардан бири ҳисобланади. Мен автомобиль муҳандислиги йўналишида ўқияпман. Ўқишларим 2005 йилнинг октябрь ойида якунланади. Биринчи йил барча имтиҳонларни аъло баҳоларга топширдим. Франция пойтахти Парижда бир ҳафта бўлиб, у ердаги кутубхоналарда илмий мавзуим бўйича адабиётлар билан танишдим. Иккинчи йил ўқишларим анча мураккаблигини ҳисобга олиб, қанчалик соғинсам ҳам Ўзбекистонга боролмадим. Мен учун ҳозир бош масала — ўқишни муваффақиятли тугатиш, ота-онам, юртдошларим олдига ёруғ юз билан қайтиш.

Болалигимда адабиётшунос олим Шерали Турдиевнинг «Улар Германияда ўқиган эдилар...» номли китобини мутолаа қилган эдим. Ўтган асрнинг бошларида яхши ниятлар билан Германияга ўқишга бориб, юрт, миллат равнақи йўлида хизмат қилишга бел боғлаган зиёлиларимиз қайтганларидан сўнг аёвсиз қатағон қилинган эди. Баъзилари бундан хабар топиб, бир умр ёт ўлкаларда Ватан дийдорига зор бўлиб қолиб кетганлар. Бугун мамлакатимиз мустақил, озод, биз каби ёшлар эса жаҳоннинг хоҳлаган бурчагида таълим олиш имкониятига эга.

Бугун бизни юртимизда улкан ишлар кутмоқда. Халқимиз, Президентимизнинг биздан умиди катта эканлигини биламиз. Мана шу ишончга муносиб инсонлар бўлишга ҳаракат қиламиз, — дейди Ҳожиакбар Қодиров.

Зафар ҒАНИЕВ, 1977 йили Бухоро вилояти Ромитан туманида туғилган. 1998 йил Бухоро давлат университетининг хорижий филология факультетини тугатган. 2003 йилда Париж-Сюд 11 университети грантини қўлга киритгач, Францияга ўқишга таклиф этилди. Айни пайтда мазкур университет магистри:



— Мен таълим олган Бухоро давлат университетининг хорижда бир нечта ҳамкорлари бор, талабалар ҳар йили дунёнинг турли қитъаларида таҳсил олиб қайтишади. 2001 йил 9 сентябрда Франциянинг Париж-Сюд 11 университети билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Унга мувофиқ ҳозир уч нафаримиз Францияда таҳсил олаяпмиз.

Мен мазкур университетнинг француз филологияси факультетида ўқияпман.

Париждаги энг обрўли ушбу университетда ер юзининг 110 мамлакатидан келган 3 мингдан ортиқ талаба турли йўналишларда таълим олади. Француз дўстларим менга ҳавас қилишади. Ибн Синонинг ватандоши, дея эҳтиром кўрсатишади. Мен ҳам улуғ аждодларимизга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Ўқишни тугаллагач, яна ўзимизнинг Бухорога қайтиб, юртимизга хизмат қилмоқчиман.

Нозима ТОШПЎЛАТОВА, 1981 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 2000 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирди. Бу йил мазкур ўқув даргоҳини тамомлаб, Испания Ташқи ишлар вазирлиги таъсис этган танловда қатнашди ва Малога университетида ўқув-тажриба алмашиш грантини қўлга киритди:

— Бугунги кунда ёшларимиз орасида халқаро журналист мақомини олиб, Ўзбекистоннинг хориждаги мухбирлари сифатида ишлашни орзу қилаётганлар кўплаб топилади. Мен талабалик кезларимда республика радиосининг «Ахборот» таҳририятида муҳаррир бўлиб иш бошлаган эдим. Кўпроқ халқаро мавзуларда шарҳлар тайёрлашга қизиқаман.

Ҳар кимнинг кўксида Ватан бўлиши керак. Ўшандагина эзгу мақсадлар, улкан кашфиётлар, янгиликлар туғилади. Мен Испанияда, улуғ шоир Федерико Гарсиа Лорка ватанида бир неча хорижлик тенгдошларим билан таниш-

дим. Уларнинг кўплари менга ҳавас билан қарайди, тарихи бой гўзал юртингиз бор дейишади. Айниқса, испаниялик дўстларим Самарқанд, Амир Темур ҳақида кўп гапиришади. Мен Испанияда Ватан, тинчлик қадри ҳақида ўйладим ва бутун иқтидоримни Мустақиллигимизга бағишлагим келди. Ўзбекистон бутун дунё учун тинчлик мамлакати бўлиб қолсин.

Нозимжон ХЎЖАЕВ, 1979 йили Фарғона вилоятида туғилган. 1997 йилда Тошкент давлат юридик институтининг суд-прокурорлик факультетига ўқишга кирган. 2001 йилда бакалаврлик дипломига эга бўлди. Айни вақтда Япониядаги Нагоя университети ҳуқуқ факультети магистратурасида таҳсил олмоқда:



— Тошкентда таълим олган пайтимда бир неча республика ва халқаро анжуманларда иштирок этиб, ҳуқуқшунослик соҳасига оид маърузалар қилдим.

Японияда ўқиш билан биргаликда япон тили дарсларига қатнашдим, 6 ой давом этган ушбу курс тил ўрганишимда жуда қўл келди. Бундан ташқари, япон ҳуқуқ тизими билан ҳам танишдим. Ўқиш давомида Япония суд тизими, прокуратура органлари, адвокатура, жазони ўташ муассасалари фаолиятини яқиндан ўргандик. Биз хорижий талабалар учун Япония парламенти, Адлия вазирлиги, Олий суди ҳамда ҳуқуқшуносларни тайёрлаш марказига 3 кунлик саёҳат уюштирилди. Буларнинг барчаси Токиода жойлашган. Ташрифимиз давомида парламент депутатлари, Олий суд судьялари, ўқитувчи-профессорлар ҳамда бўлажак ҳуқуқшунослар билан учрашиб, ўзимизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олдик.

Нагоя университетига ўқишга киришим япон маданияти ва урф-одатларини яқиндан ўрганиш имкониятини берди. Биз турли тадбирларда қатнашиб, япон дўстларимизга ўзбек тарихи, маданияти, турмуш тарзи ҳамда тили тўғрисида ҳикоя қилиб бераяпмиз. Умуман айтган-да, япон ва ўзбек халқларининг ўхшаш тарафи кўп эканига амин бўлдим. Ҳозирда Нагоя университети ҳуқуқ факультетида «Франшизинг шартномаси» мавзусида тадқиқот олиб бораяпман.

Баҳром ХОЛБОЕВ, 1978 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1995 йил Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро бизнес факультетига ўқишга кириб, 1999 йили тамомлаган. 2001 йил Тошкент молия институтини «қимматли қоғозлар ва биржа иши» мутахассислиги бўйича магистратурасини тугатган. Айни пайтда Жанубий Кореянинг Кюнгбук давлат университети докторанти:



— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ташқи бозорга йўл очилиб, чет эл компаниялари мамлакатимизда ўз фаолиятларини юрита бошлади, — дейди у. — Мен Тошкентда бир қанча хорижликларга таржимонлик қилдим. Шу боис Жанубий Корея давлатига қизиқишим ортди. Тақдир тақозоси билан Сеулдаги Хосео университетида янги бизнес технологияларини бошқариш мутахассислиги бўйича ўқиб, магистр унвонини олдим.

Эришган мутахассисликларим бўйича мен бизнеснинг молиявий томонига кўпроқ эътибор бераман. Шунинг учун 2004 йил март ойидан бошлаб Дегу шаҳридаги Кюнгбук давлат университетида молиявий бухгалтерия мутахассислиги бўйича докторантурада ўқияпман.

Машғулотлар инглиз ва корейс тилларида олиб борилади. Шу билан бирга Кюнгбук давлат университетида дарс ҳам бермоқдаман. Бакалаврларга ишбилармонлик асослари фанидан инглиз тилида маъруза ўқийман. Кўпчилик Ўзбекистон ҳақида анча маълумотга эга. Ҳозирда Америка ва Кореянинг бухгалтерия тизимини ўрганаяпман.

15 август куни Жанубий Корея ўзининг мустақиллик кунини нишонлади. Ҳамма ёқда миллий байроқлар, одамларда ўзгача кайфият. Ўзбекистон ёдимга тушиб кетди. Мана мен Мустақиллик байрамини икки йилдан буён чет элда нишонлаяпман. Бугун имкониятдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини Истиқлол байрами билан табриклайман.

Озод САРСЕНБОЕВ, 1977 йили Нукус шаҳрида туғилган. 2003 йилда Тошкент ислом университетининг фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетини тугатган. Айни вақтда Миср Араб Республикасининг Қоҳира университетида тажриба оширмоқда:

— Тошкент ислом университетининг «ислом ҳуқуқи» кафедрасида тадқиқот олиб бориб, ислом ҳуқуқи мавзуида қатор мақолалар ёздим. Араб, турк, рус тилларини мукаммал биламан.

Истиқлол йилларида ислом оламида катта нуфузга эга бўлган аждодларимиз қадамжолари обод этилди. Бир пайтлар яшириб ибодат қилган, муқаддас ҳаж сафарига боришни бир умр орзу қилган, лекин унга етишолмаган оталаримиз бугунги кунларимизнинг қадри ҳақида кўзларида ёш билан гапиришади.

Мен Қоҳира кўчаларида юрганимда ўзбекистонлик эканлигимдан фахрланаман. Бунинг боиси шуки, аслида ислом дини бошқа ўлкаларда пайдо бўлган бўлса-да, уни асослаган, ислом маърифатини шакллантирганлар бизнинг боболаримиздир. Хорижда Имом Исмоил ал-Бухорий, Мотуридий, Ғиждувоний, Термизий сингари буюк сиймоларни ниҳоятда қадрлашади. Уларнинг яратган асарлари ислом тадқиқот марказларида, олий ўқув юртларида дарслик сифатида фойдаланилади.

Ислом динига эътиқод қўйувчи давлатларда истиқомат қилувчи уламолар, катта олимлар мамлакатимизда истиқлол туфайли ислом динига берилаётган эътибор, Президентимиз томонидан яратилаётган шароитларга юқори баҳо беришмоқда. Айниқса, улар Ислом Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли асарини жуда қадрлашади.

Мен истиқлол туфайли очилган Ислом университетида ўқиганимдан, бугун чет элда таълим олаётганимдан ғоятда бахтиёрман.

Райҳона ИЗЗАТУЛЛАЕВА, 1983 йили Самарқанд вилояти Нарпай туманида туғилган. 2001 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Айни пайтда Германиянинг LOGO дастури асосида «Bad Hersfeldi» қишлоқ хўжалик компаниясида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётида қатнашмоқда:

— Немис фермерининг ерга муносабатини кўриб ҳайратландим. Ҳар қарич ер қадрланади. Унинг мелиоратив аҳволи ҳақидаги маълумот, фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари, турли давлат ва нодавлат корхоналари билан тузилган шартномалар мавжуд. Биз бу борада ҳали кўп ишлар қилишимиз кераклигига амин бўлдим.

Германияда қишлоқ хўжалигининг ривожи, тармоқ даромадини оширишда қўлланилаётган илғор усуллар самарасини ўрганиб, таҳлил қилиб келажакда илмий изланиш олиб боришни мақсад қилганман. Фермерлик ҳаракатини, қишлоқ хўжалигини замонавий талаблар асосида ривожлантириш учун кўплаб малакали кадрлар зарурлигини биламан. Мен ҳозир имкон қадар чуқурроқ билим олишим кераклигини яхши тушунаман. Чунки бизга ўхшаган кадрларни мамлакатимиз кутаётганини ҳис этиб турибман, — дейди Райҳона.

Нодирбек ҲОМИДОВ, 1980 йили Фарғона вилоятида туғилган. 1997 йилда Фарғона давлат университетининг иқтисодиёт факультетига ўқишга кирган. 2003 йили магистратурани битирди. «Истеъдод» жамғармасининг 2004 йилги грантини қўлга киритиб, Буюк Британиянинг «ASPECT ILA» академиясида малака ошириб қайтди:

— Буюк Британияда ахборот технологиялари дастури бўйича таълим олдим. Мен ўқиган «ASPECT ILA» академияси Борнмут шаҳрида жойлашган. У ерда Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртларидан келган 16 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Борнмут шаҳри Лондондан тахминан 2 соатлик масофада жойлашган бўлиб, сайёҳлар диёри ҳисобланади. Биз у ерда бир нечта оилаларда яшадик. Ўқишимизнинг биринчи куни, айниқса, таассуротларга бой бўлди. Академия ходими бизни шаҳар билан таништирди. Машҳур Rossin Coll музейида бўлдик, океанариумни томоша қилдик. Биринчи ҳафтанинг охирида Лондонга саёҳат уюштирилди. Бу кўҳна шаҳар барчамизда яхши таассурот қолдирди.

Икки ҳафталик ўқиш давомида академиянинг етакчи профессорлари бизга замонавий компьютер дастурларидан сабоқ берди. Бу ерда компьютер тизимига кириб келаётган янгиликлардан бохабар бўлдик, электрон воситалар ёрдамида бошқарув усули афзалликлари



ҳақида тушунча олдик. Ўқишимиз якунида академияда анжуман ташкил этилиб, унга Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси вакиллари ҳам таклиф қилинди. Барча тингловчилар ўзларининг эгаллаган билимларини намойиш қилишди. Қисқа муддатли ўқиш бўлса-да, биз жуда кўп нарсаларни ўргандик. Мен бу соҳада малакамни янада ошириш ниятидаман.

Жалолиддин ИБРАГИМОВ, 1982 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 2001 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг хитой филологияси факультетига ўқишга кирган. 2003 йили Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси таълим вазирликлари ўртасидаги келишувга мувофиқ Чанг Чун педагогика университетига юборилди:

— Мамлакатимизнинг Хитой давлати билан олис мозийга бориб туташувчи дўстона алоқалари бугун таълимдаги ўзаро ҳамкорлик туфайли янги босқичга кирди. Ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ ўнлаб истеъдодли ёшларимиз қатори мен ҳам Хитойнинг машҳур Чанг Чун педагогика университетига йўлланмани қўлга киритдим, — дейди Жалолиддин. — Хитойда ўқув жараёни бирмунча эркин ташкил қилинган. Асосийси, бу ерда дарсларни вақтида ўзлаштириш талаб этилади. Бизнинг гуруҳимизда 14 нафар ўзбекистонлик ёшлар бор эди. Ҳаммамиз бир жойда таҳсил олдик. Ўқиш давомида хитойлик-



лар билимни ниҳоятда қадрлашларини англадим. Улар Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳақида жуда кўп нарса билишар экан. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизни кўриш ҳар бир хитойликнинг орзуси, десам янглишмаган бўламан. Биз бўш вақтимизда турли мусобақаларда қатнашдик, Хитойнинг қадимий ва гўзал шаҳарларига саёҳатлар уюштирдик.

Мен ўқишни тугатгач, магистратурани ҳам Хитойда ўқимоқчиман. Келажакда дипломатик ваколатхоналарда ишлаб, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Алижон НАМОЗОВ, 1975 йили Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган. 1997 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кирган. 2001 йили ўқишни битиргач, испан тили кафедрасида изланиш олиб борди. 2003 йили Мексика Ташқи ишлар вазирлигининг грантини қўлга киритди. Айни пайтда Веракрус университети магистри:



— Университет талабаси бўлганимда бир неча хорижий тилларни яхшигина билардим. Ўқишни битиргач, испан тили кафедрасида ишлай бошладим. Менинг мақсадим хорижда ўқиш эди.

Ўтган йили Мексика Ташқи ишлар вазирлигининг танловида қатнашган Алижон Веракрус университетида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Университетдан Алижон Намозовнинг номига келган таклифномада шундай сўзлар бор эди:

«Қадрли Алижон Намозов!

Биз сизни танлов шартларига кўра, ғолиб бўлганингиз билан табриклаймиз. Юртингизнинг олийгоҳларида қандай билим беришларини Сиз ўз муваффақиятингиз билан исботладингиз...»

— Очиғи ушбу мактубни олиб жуда ҳаяжонландим. Оила аъзоларим ҳам қувонишганини айтмайсизми? Шунда шодлик билан бирга озгина хавотир, масъулият ҳам пайдо бўлди. Чет элга бориб ўқишни уддалай оларманми, дея. Лекин Худога шукрки, бугун аъло баҳоларга ўқимоқдаман, — дейди Алижон.

Қобилжон ХОЛМАТОВ, 1979 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат техника университетини тугатган. Айни пайтда Голландиянинг Твенте университети тадқиқотчиси:

— Мен 2000 йили бакалавриатни тугатиб магистратурага, сўнг аспирантурага қабул қилиндим. Хорижий тилларни билганим учун асл манбалар билан кенгроқ танишиш имконига эга бўлдим. Чет эл замонавий технологиялари ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида Голландия ва Германия давлатларида бўлдим. Ўрганган тажрибаларим асосида кимёвий жараёнларни лойиҳалаш бўйича маърузалар тўплами ва услубий қўлланма яратдим. Ҳозир Голландиянинг Твенте университетида ўқув-тажриба сафаридаман, қишлоқ хўжалигида ишлатилиши тақиқланган кимёвий препаратларни зарарсизлантириш технологиясини яратиш бўйича изланиш олиб бораяпман.

Жаҳоннинг қайси давлатида юришимиздан қатъи назар, қалбимизда бир туйғу ҳамиша олов каби ёниб тургандек бўлаверади. Бу — Ватан туйғуси. Юртбошимиз, йигирма олти миллионлик халқимиз биз ёшларга катта умид билан кўз тикмоқда. БИЗ БИЛАМИЗ, ВАТАН БИЗНИ КУТМОҚДА.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

БУ ЙЎЛЛАРНИНГ БОРАР МАНЗИЛИ ЁРУҒ

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон йўналиши бўйлаб дастлабки 57,7 километр узунликдаги Тошгузар — Деҳқонобод масофасида поездларнинг илк ҳаракати кузатилди

Темир йўлга иқтисодиётимизнинг қон томири, дея нисбат берилиши бежиз эмас. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг изчиллигини таъминлашда темир йўл чиндан ҳам муҳим ўрин тутади. У — ҳатто денгиз портларига эга мамлакатлар учун ҳам асосий алоқа воситаси, асосий коммуникация.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Куни кеча Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл йўналишининг биринчи босқичи — Тошгузар-Деҳқонобод масофасидаги 57,7 километрлик йўлда поездларнинг синов ҳаракати ўтганлиги хусусидаги тезкор ахборот тарқатилганди. Бу хушхабар энг аввало, мазкур инфаоллари, отахону онахонлар... Атлас кўйлакли қизлар қўлида турфа гуллар...

Иншоотнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимни Қашқадарё вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев очди.

Шундан сўнг сўзни республика Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев олди.

— ...Мазкур иншоотнинг барвақт ишга туширилиши, — деди у, — халқимизнинг олдимизда турган энг зарур масалаларни тезроқ ечишга кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам етишидан далолат... Янги темир йўл қашқадарёликларга байрам туҳфасидир...

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тармоқни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. 1993 йилдаёқ Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Навоий-Учқудуқ-Султон-Увайстоғ-Нукус» темир йўл линиясини таъмирлаш ва қуриш масалалари тўғрисида»ги қарори ҳам бунинг ёркин далили.

Дарвоқе, Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида мазкур йўналишда йўловчи поездлар ҳаракатланган мамлакатимиз халқ хўжалигида катта воқеа бўлди. Янги темир йўл линияси бўйлаб «Тошкент-Нукус» йўловчи поезди соатига 80 километргача тезликда ҳаракат қилиши имкони туғилди. Йўлга кетадиган вақт эса ўшанда қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтган йўналишига нисбатан етти соатга қисқарди. Ўнлаб янги станциялар, темир йўл бекатлари барпо этилди. Натижада, аҳоли вақтдан ҳам, чиптa пулидан ҳам ютди. Иқтисодиётда миллиардлаб пул тежаб қолинди, фойда ортди.



Деҳқоноднинг ҳар қанча чечан, сўзга уста бахшилари ҳам тўқий олмасди, мадҳ этолмасди. Бу ишлар узоқ тарих саҳифаларига муҳрланиб қолиши, бешак...

ҚАЙДЛАР:

Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан анча узоқда жойлашган мамлакатимизда темир йўлнинг аҳамияти беқиёс. Ана шу темир йўлгина юртимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайди. Давлатлараро дўстлик ва иқтисодиёт риштлари боғланади. Шунинг учун ҳамки, шоотга яқин жойларда яшаётган аҳолини нечоғли ҳаяжонга солганини тасаввур қилиб кўринг...

20 август. Эрталаб соат 8.30... Тошгузар станцияси: карнай-сурнай садоларининг етови гўё тонгни уйғотди... Тўғри, темир йўл ғузорликлар учун янгилик эмас. Зеро, «Тошкент-Китоб-Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланган поезд илгаридан ҳам Ғузор тумани орқали Тошгузар бекатида тўхтаб ўтарди. Аммо ғузорликларнинг «атай» поездлари йўқ эди...

— Деҳқонободда жўраларим кўп, — дейди Эргаш ҳожи Бозоров. — Рости, кексачиликда автобус, машинага ўтириб бир жойга бориш малол келаркан. Ўйлаб қарасам, поезд дегани росаям биз боп экан. Бир вақтлар ота-боболаримиз айтишарди: «Биз энди кексайдик, оту эшакда юра олмаймиз. Киройи транспортинг бўлса-ки, жонингни оғритмай манзилингга етказса...». Эҳтимол, уларга поезд сингари бетакрорлик, оромижон «улов» керак бўлгандир ўшанда...

Ғузорликлар қувончига қувонч улашиб синов поездимиз Деҳқонобод сари йўналди. Сал ўтмай қўлига Ўзбекистон байроғини тутган отлиқ суворийлар пайдо бўлди. Улар темир йўл ёқалаб 8-10 километрча масофада биз билан басма-бас от чоптириб ўтишди. Бу уларнинг поездни олқишлаб кузатиши эди.

...Деҳқонобод станцияси. Соат 10.00. Яна карнай-сурнай, дўмбира ва сибизға наволари... Туман

— Шу топда менинг қувончим чексиз, чунки мен шу юрт фарзандиман, — деб ҳаяжон билан сўзлади **Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов.** — Бу қувончни мен ҳозирги дақиқаларда шу тупроқнинг ҳар бир ўғил-қизи кўзида кўриб турибман. Бу ерда хаёлга келмаган бунёдкорликни

Хоразм вилоятидаги Амударё узра қурилган темир йўл кўприги ҳам ишга туширилиши муносабати билан яна бир янги темирйўл йўналиши очилади. Жумладан, Тошкент-Урганч-Волгоград ва Андижон-Урганч йўналишлари ҳаракатлари режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, халқаро йўналишдаги Тошкент-Красноярск йўловчи поезди ҳаракатини таъминлаш масаласи ҳам ҳал бўлиш арафасида...

✧✧✧

Янги темир йўл болажонларга ҳам қувонч улашгани гувоҳи бўлдик. Чори Қўшоқов шундай деди: — «Юртбошимиз вилоятда ишлаб юрган кезларида Деҳқоноободга ҳам поезд олиб келамиз, бу амалга ошадиган мақсад» дердилар. Мана, ўша мақсадга эришилди.

✧✧✧

Поезд кундузи соат 14.00 ларда орқага қайтди. Барчанинг кайфияти баланд. «Сенга битта «қаҳрамон» топиб қўйдим, ёзганингда ишлатарсан, деди қаҳроҳим — темирйўлшунос журналист Анатолий Кучеренко кекса бир кишига ишора қилиб.

— Ёшим саксонда, қирқ тўққиз йил темир йўлда ишладим, — деди ўзини Қутбиддин ҳожи Саидмуродов деб таништирган отахон. — Отам билан бувам 1914 йилларда туя билан Қўнғиротдан темир йўл учун тош ташишган. Дадам раҳматли савдо учун туя билан Кўлобга қатнарди. Қарши қаердаю, Кўлоб қаерда? Ўзларим не азоб билан бориб келарди... Бундай поездлар у пайтда қайда эди, дейсиз...

— Янги темир йўл, — бармоқларини бирма-бир букиб сўз бошлади «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК матбуот котиби Сувонқул Рустамов:

Биринчидан: Қаршидан Қумқўрғонгача бўлган масофанинг қисқариши ҳисобига миллий иқтисодиётда транспорт сектори иши самарадорлигини оширади;

Иккинчидан: қўшни мамлакатларга темир йўлдан фойдаланиш учун сарфланадиган валюта тўловларини тежайди;

Учинчидан: Ҳамдўстликка кирувчи ва бошқа хорижий давлатларнинг юк ҳамда йўловчиларини транзит тарзда ташиб (олиб) ўтиш эвазига хориж валютасида қўшимча даромад келтиради;

Тўртинчидан: Тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳалари тараққиёти ҳисобига минтақалар ишлаб чиқариш қувватини оширади;

Бешинчидан: 700 га яқин янги иш ўринлари юзага келади...

✧✧✧

Ҳа, янги темир йўл йўналишининг ишга тушиши мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда, янги ерларнинг ўзлаштирилишида ва ер ости бойликларидан унумли фойдаланишда шубҳасиз, қўл келади.

У хусусан вилоятдаги Ғузор ва Деҳқонобод туманлари иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Аниқроғи, ҳудудда янги кимё (калий, натрий тузлари заводи), енгил (пахта тозалаш, тикувчилик, гиламчилик, ипак-йигирув фабрикалари), озиқ-овқат (гўшт, консерва комбинатлари, ёғ корхонаси), нефт ва газ саноатлари тармоқлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш қувватлари қурилишига кенг имкон беради.

Изоҳ: Янги йўл қурилишининг умумий қиймати 305 миллион АҚШ долларига тенг. У асосан қурилиш компаниялари ва давлат бюджети ҳисобидан бажарилди. Бунёдкорлик ишларига ўнлаб ташкилотлар ўз залворли улушларини қўшдилар. Биргина жорий йилнинг олти ойидаёқ йўналишда 4 миллиард сўмдан ортиқ иш бажарилди.

Мустақиллик йилларида бунёд этилган темирйўлларимиз шахобчалари тарихи ва мадҳиясини эҳтимол биргина мақолага сиғдириб бўлмас. Чунки, бундан 13 йил аввал бундай ҳар томонлама қулай, серафзал темир йўллар қуриш шунчаки хаёл сингари бир гап эди. Бугунги эрк ва озодлик нашидаси сурилаётган кезларда бу йўлларнинг борар манзили ёруғ, албатта. Истиқлолга қадар ким-кимларнинг асрий орзуси бўлган бу йўллар энди буюк мустақиллик йўлларидир!

Илҳом КАРОМОВ

ОРЗУ-ҲАВАСЛИ ТОНГЛАР

ёхуд истиқлол йилларида пойтахт вилоятининг Зангиота туманида амалга оширилаётган хайрли ишлар хусусида

Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий харитасига назар солсангиз, ажабтовур ўзига хосликни илғаб оласиз. Шундай экан, ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, қўрғон ва ҳатто қишлоқнинг ҳам мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилмасида ўз ўрни ҳамда табиийки, ўз салоҳияти мавжуд. Пойтахт вилоятининг Зангиота тумани ҳам ўзининг муносиб имкониятлари ва истиқболига эга масканлардан...

Зангиота... Тарихи узун... Бошидан ўтказган оғир-енгил кунлар ва синовларнинг ҳисоби йўқ. Археологлар маълумотларида таъкидланишича, Зангиота замини эрамиздан илгари ҳам илм-фан, маданият ўчоқларидан саналган. Асрлар давомида гўшада ноёб хислат соҳиблари умргузаронлик қилишган. Улар бу ажойиб ўлкани гуллаб-яшнатиш ва юртимиз дурдонасига айлантириш орзусида бўлишган. Аммо у фақат бизнинг кунларга келибгина сўлим ва оромбахш бўлди.

Бугун Зангиота саноати ва қишлоқ хўжалигидаги ривожланиш одимлари ҳар қачонгидан уйғоқ. Ишлаб чиқариши ривожланган минтақалардан бири. Пойтахт — Тошкент шаҳри, қолаверса, вилоятнинг йирик шаҳарлари аҳолисини қишин-ёзин сара мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган ҳудудда нафақат хомашё етиштириш, балки, қайта ишлаш, уларни замонавий талаблар даражасида қадоқлаш, харидорларга, хусусан, хорижий истеъмолчиларга етказиб бериш борасида ҳам ибратомуз ишлар қилинмоқда. Хорижий сармоядорлар ва шериклар топиб, жойларда кўплаб қўшма корхоналар бунёд этиш йўллари изланаяпти. Туманда АҚШ, Германия, Туркия, Россия каби қатор давлатларнинг ишбилармон доиралари тобора кўпайиб бораётир. Ҳамкорликда «Музимпекс», «Фар-ваб», «Монимебель», «Сладкий Мир» сингари кўплаб қўшма қувватлар ишга туширилаяпти.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Бундан ўн уч йил муқаддам туман маркази — Эшонгузар қўрғони ҳамда унинг ён-атрофидаги



қишлоқларда пастқам-пастқам бинолар, уйлар, маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари бўларди. Аввалига бу ерда бир қаватли кўркам иншоотлар қад кўтарди. Сўнг атрофи икки, тўрт, беш, етти қаватли бинолар билан қуршалди. Одамлар ҳайрат ва қувонч билан таъкидлаётганларидек, «инсон ақл-идроки нималарга қодир эмас... Туман ўз тарихини ўзи яратаяпти...»

Тумандаги «Иттифоқ» ширкат хўжалиги бугун айниқса катта қурилишлар майдонига айланган. Яқиндагина «Дамачи» ширкат хўжалиги билан чегарадош ҳудудда 300 ўринли янги мактаб биноси ҳашар йўли билан қурилган ва фойдаланишга топширилганди. Бугун эса 3-ўрта мактаб биноси қайта таъмирланмоқда. Бир томонда, болажонлар учун спорт-соғломлаштириш мажмуаси... хўжалик марказида «Шодлик» маҳалла гузари — ҳаммаси мамлакатимиз мустақиллиги байрами шарафига эрта-индин ишга тушади.

— «Шодлик» гузарида 500 кишига мўлжалланган тўйхона, озиқ-овқат дўкони, ошхона, дорихона, сартарошхона каби маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари аҳолига хизмат қилмоқда, — дейди «Иттифоқ» ширкат хўжалиги раиси **Бурҳонжон Магдалиев**. — Бундан ташқари, бу ерда компьютер хоналари, хўжаликда интернет хизматидан фойдаланувчилар учун шарт-шароитлар ҳам муҳайё...

Буларнинг барчаси истиқлол шарофати, албатта. Одамлар энди боқимандалик кайфиятидан узоқлашишяпти. Ўзлари ташаббус кўрсатишга одатланишяпти.

Ҳа, бугун ҳар бир тонг қишлоқларга орзу-ҳаваслар олиб кирмоқда. Уларда кунлар шиддат ва ташаббус билан ўтади, шомлар эса шукроналик билан киради. Оқшомлар эртанги ўй-режалар, қилинмаган ишлар армони билан кечади. Тунлари тушларга дала, одамлар, янги орзулар киради... Ҳаловат билмаган қишлоқда яна тонг отади. Бу — истиқлол тонглари...

Шундай!

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«АЛОҚАБАНК»

ЖАМОАСИ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ҲАР БИР ХОНАДОНГА ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК, ҚУТ-БАРАКА ТИЛАЙДИ.

Ўн уч йил давомида республикамизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз кун сайин гуллаб-яшнаётганида, иқтисодиётимиз мустаҳкамланиб бораётганида «Алоқабанк»нинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Биз мижозларимиз манфаати, мамлакатимиз тараққиётини кўзлаб, янада қулай, фойдали хизмат турлари устида иш олиб боряпмиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

«АЛОҚАБАНК» СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА.

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 30-уй.
Тел.: 134-75-57, 137-07-79. www.alokabank.uz E-mail:info@alokabank.uz

ИРОҚДА НИМА ГАП?

13 йиллик танаффусдан сўнг Германия Ирокда ўз элчихонасини қайтадан очди. ГФР Ташқи ишлар вазирлиги вакили берган манбаларга асосланиб, «Новости» агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, 9 сентябрь куни Ироқ делегацияси Берлинга ташриф буюради.

✧✧✧

Ироқ жанубидаги Ан-Нажаф шаҳри марказига жойлашиб олиб, Ироқ ва коалиция қўшинларига қаршилик кўрсатаётган шиа қўзғолончилари таназзулдан чиқиш учун музокаралар олиб боришга тайёр эканликларини билдирдилар. «Азоб-уқубатлардан қутулиш учун биз музокара бошлашга тайёрмиз», деди шиалар етакчиси Муктад ас-Садранинг вакили Али Сейзим. Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Ироқ ҳукумати Ан-Нажафдаги қўзғолончилар ўз хоҳишига кўра қуролларни топширмасалар ҳарбий қўшин томонидан йўқ қилиниши ҳақида ультиматум эълон қилгандан сўнг музокара олиб боришга кўндилар.

✧✧✧

Ал-Фалуж шаҳридаги жангарилар тасарруфида бўлган қурол-аслаҳа омбори АҚШ қўшинлари томонидан авиация ёрдамида бомбардимон қилинди. Омборхона разведка маълумотларига асосланиб яксон этилди.

Жабрланганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА ЕТТИ НОМЗОД

Абхазияда Президент сайлови кампанияси шу ҳафтадан бошланди. Номзодларни рўйхатга олиш жараёни душанба куни якунланди. Шундай қилиб президентлик курсиси учун 7 номзод кураш олиб боради, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

Номзодлар абхаз тилидан имтиҳон топширдилар. Абхазия қонунчилигига кўра, давлат бошлиқлигига даъвогарлар давлат тили бўлмиш абхаз тилида бемалол сўзлаша олиши керак. Буни аниқлаш ва улардан имтиҳон олиш учун Марказий сайлов комиссияси қошида лингвистика комиссияси мавжуд.

Президент сайлови 3 октябрга белгиланган.

ЛОНДОН, ДАККА ВА НАЙРОБИДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Лондондаги Хитроу аэропортида British Airways авиакомпаниясининг мингга яқин йўловчилари ўз манзилларига уволмадилар. Негаки, техник ходимлар етишмаслиги боис авиакомпания самолётлари парвоз этолмади. Техник ходимлар эса норозилик намойишларида иштирок этмокда, дея хабар беради Sky News.

Бангладешда эса ўтган ҳафта муҳолифатчилар митинг ўтказишаётган пайтда содир этилган террорчилик актига қарши норозилик сифатида умумий намойиш ўтказишмокда (портлаш натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмган, 30 га яқини турли даражада жароҳат олган).

Норозилик намойиши муносабати билан мамлакатдаги барча мактаблар ва дўконлар ёпилди. Ушбу намойишларни «Авами лиг» («Халқ лигаси») муҳолифатчи ташкилот уюштирмокда.

Ҳозир мамлакатда тартибсизликларнинг олдини олиш учун 5 мингдан ортиқ полиция ва ҳарбийлар Дакка кўчаларида патруллик қилмокда.

Associated Press агентлиги ахборотида қайд этилишича, намойишчилар ва полиция тўқнашуви ҳозирча юз бергани йўқ.

Кения пойтахти Найроби шаҳридаги Буюк Британия элчихонаси олдида уюштирилган норозилик намойиши эса полиция томонидан кўздан ёш оқизувчи газ қўлланиб, тарқатиб юборилди.

Намойишчилар масаи қабиласига мансуб бўлиб, улар 1904 йилгача масаи қабиласига тегишли бўлган ҳудуд қайтарилишини талаб қилиб чиқдилар. Маълумки, 1904 йили Буюк Британия ва Кения ўртасида тузилган шартномага кўра масаи қабиласи ҳудудининг маълум қисми Буюк Британияга берилган эди. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати эса ўтган ойда тугаган.

МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИЛАДИ

Токиода ўтказилган матбуот анжуманида Япония миллий мудофаа бошқармаси директори Сигэру Исибанинг маълум қилишича, эртага Вашингтонда АҚШнинг Япониядаги ҳарбий қўшинларини кўчириш масаласи бўйича музокаралар бошланади. «Бизда вақт етарли. Ноябрда АҚШда президент сайлови бўлиб ўтади. Бу пайтгача Япониянинг миллий мудофаа бўйича янги режаси тайёр бўлиши лозим», деди Исиба.

ҚАМОҚХОНАДА ТЎҚНАШУВ

Сальвадор пойтахти Сан-Сальвадор шаҳри четидаги қамоқхонада сақланаётган маҳбусларнинг икки гуруҳи ўзаро тўқнашуви натижасида 31 нафар маҳбус бевақт оламдан ўтган, 24 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган.

АР агентлигининг маълум қилишича, гуруҳлар ўз «мавқе»ларини аниқлаш мақсадида «разбор»га киришган ва охир оқибат бу пичоқбозликка айланиб кетган.

Тўқнашувни тинчитиш учун қўриқлаш хизмати бир неча соат ҳаракат қилган.

Ушбу қамоқхона 800 нафар маҳбусга мўлжалланган бўлишига қарамай ҳозир унда 3 мингдан ортиқ маҳбус сақланмоқда.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2004 йил 30 сентябрь ва 7 октябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳрида жойлашган 9-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (9-АЁҚШ)

Бошланғич баҳоси — 15 500 АҚШ доллари.

2. Наманган вилояти, Наманган шаҳрида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (16-АЁҚШ)

Бошланғич баҳоси — 15 414,5 АҚШ доллари.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Чет эл валютасида сотувга чиқарилган объектлар бўйича закалат пули «Kim oshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уй-жойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840704265383001, КОД-00425, СТИР 204563716, SWIFT: UZHOUZ 22 ўтказилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.

Маълумот учун телефонлар: 133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.

Веб сайт: www.rkmb.uz

136 ЙИЛНИНГ 13 ЙИЛИ

ЁКИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА «ТОШКЕНТВИНО» ОАЖ ФАОЛИЯТИДАГИ ЮКСАЛИШГА БИР НАЗАР

Корхона жамоаси энг аввало мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги билан барча ватандошларимизни қутлайди. Ҳар бир хонадонга тинчлик, осойишталик, қут-барака тилайди.

Бу корхона Тошкентда ўз фаолиятини бошлаганига 136 йил бўлаяпти. Жамоага 1867 йилда россиялик ишбилармонлар томонидан асос солинган эди. Уни ўша кезда савдогар И.И.Первушин бошқарди. Орадан беш йил ўтиб «Тошкент қизил виноси», «Султони» ва «Кагор» номли маҳсулотлари билан корхона Парижда машҳур бўлди. Чунки у ерда ўтказилган ярмаркада Туркистон ўлкасининг виноси энг зўр вино ичимлиги, деб тан олинди.

Йиллар ўтди. Йигирманчи асрнинг 18-йилига келиб завод миллийлаштирилди. «Турквино» трести атрофига бирлаштирилди. 1927 йилда корхона жамоаси қайта ташкил бўлган «Ўзбеквино» трести тасарруфига ўтди. Корхона Тошкент вилоятининг «Қибрай», «Паркент», «Ҳосилот», «Огонёк» ва бошқа узумчиликка ихтисослашган хўжаликлари билан алоқани мустаҳкамлади. Натижада 30-йилларда кўп тармоқли корхонага айланди ва юксалишда давом этди.

1962 йилдан эса завод мақомига эга бўлди. «Тошкент виноси» дейилса нафақат ўзимизда, ҳатто хорижда ҳам мижозлари «бир ютиниб» қўядиган бўлишди.

Мамлакатимиз Мустақилликка эришгандан сўнг заводнинг янада шуҳрати ошди, десак муболаға қилмаймиз. Давлат тасарруфида фаолият кўрсатган завод, жамоа мулкига айланди, яъни ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Эндиликда олиб борилаётган ишлар ҳамжиҳатликда ташкил этилмокда. Жамият нимани амалга оширса, ундан ҳар бир акциядор хабардорлиги тўла таъминланган.

— Ана шундай шароитда жамоа аъзоларининг ҳаракатида баракат бўлади, — дейди ҳиссадорлар жамияти етакчиси Миробид МАҲМУДОВ. — Ҳар бир сўм қаерга сарфлангани ҳақида акциядорларга ҳисоб берамиз. Шундан бўлса керак, жамоа аъзолари фидокорона ишлашаяпти. Меҳнатидан барака топяпти.

Мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга қўлдан келганча хизмат қилаяпмиз. Режаларимиз улкан. Фақат буни ишчи ва хизматчилар билан бир тану бир жон бўлиб амалга оширишимиз лозим. Айни кезда ҳиссадорлик жамиятининг хориж валютаси ҳисоб рақамига эга бўлганлиги чет эл давлатлари билан шартномалар тузишда қулайлик туғдирмокда. Маҳсулотларни чет элга валюта қийматида сотиш мамлакат бюджетига ва жамоамизга салмоқли фойда келтирмокда.

Бундан ташқари, ширин-шакар неъматлардан тайёрланган ушбу маҳсулотлар серқуёш юртимиз довруғини узоқ юртларга ҳам таратмокда.

Факт ва рақамларга эътибор берарканмиз, уни тобора кўтарилиш палласида кўрамиз. Масалан, жорий йилнинг 1 августигача жамият аъзолари 685 минг дал вино, 441 минг дал ароқ, 320 минг дал спирт маҳсулотларини савдога чиқарди. 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот эса Россия ва бошқа хориж мамлакатларига экспорт қилинди.

Мустақиллик арафасида «Тошкент вино» ОҲЖ Ялтада бўлиб ўтган Халқаро ярмаркада қатнашиб, энг олий мукофот — олтин медалга, учта кумуш медалга сазовор бўлди. 1996 йилда Санкт-Петербургдаги Халқаро ярмаркада эса «Тошкент» ароғи катта кумуш медал, «Гули-Кондоз», «Ўзбекистон» винолари кумуш медал, 1998 йили Ялтада бўлиб ўтган Халқаро кўргазмада «Гули-Кандоз» кумуш, «Ўзбекистон» бронза медаллари билан мукофотланган эди. 2000 йили Ялтада ўтган «Золотой Грифон» халқаро ярмаркасида корхона маҳсулотлари эсдалик совғалари ва ёрлиқлар билан мукофотланган эди.

Хуллас, мустақилик йиллари корхонага эркинлик берилди. Натижада изланиш ва ташаббус кучайди. «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 740 нафар киши ўз меҳнати самарасини кўрмокда, маҳсулот сифати эса тобора ошиб бормокда.

Суратларда:

1. Жамият бош технологи Рустам Топилов Ялтада ўтказилган Халқаро кўргазмада бира тўла тўртта — бир олтин медаль, уч кумуш медаллар шодасини Халқаро виночилик президенти, «Магараж» вино ва виночилик институти директори А. М. Абидзбидан қабул қилиб олмокда.

2. Медаллар ва дипломлар.

3. ОАЖ маҳсулотлари.

HOTEL
DEDEMAN
SILK ROAD
TASHKENT

HOTEL
DEDEMAN
SILK ROAD TASHKENT

O'zbekiston xalqini eng ulug', eng aziz bayram —
MUSTAQILLIKNING 13 YILLIGI
bilan tabriklaydi!

Оллоҳ назари тушган диёрда яшаётган барча инсонларни қутлар эканмиз, ниятимиз Мустақилликнинг шукуҳи абадий бўлсин!

Халқимиз азалий қадриятларига мос бўлган меҳр-мурувват ва оқибат ҳеч биримизни тарк этмасин. Барчамизнинг эзгу ишларимизга ривож ва барокат ато этсин.



НАВОИЙ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини мамлакат МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ шодиёналари билан табриклаётганидан беҳад мамнун.

«Дўстлик» орденли Навоий тоғ-металлургия комбинати бугунги кунда Қизилқум бойликларини ўзлаштириш бўйича кўп тармоқли, янги технологияларга эга қудратли комплексга айланган. У мустақил Ўзбекистон саноатининг байроқдори ҳисобланади.

Дунёда ўз ўрнига эга бўлган комбинатимиз бугунги кунда 80 дан ортиқ хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади.

ВАТАН СИЗЛАРДАН ҒАЛАБА КУТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кеча кечқурун эса яна бир иқтидорли боксчимиз Тўлашбой Дониёров (51 кг.) чорак финал учрашувини ўтказди. Нимчорак финалда америкалик Рон Сайлерни 45:22 ҳисобида катта фарқ билан енгган ҳамюртимизнинг навбатдаги рақиби франциялик Жером Тома бўлди. Жером аввалги босқичда Доминикан Республикаси вакили устидан 36:17 ҳисобида зафар қучганди.

Қувонарлиси, кундан кун қизғин тус олаётган олимпиада баҳсларида нафақат боксчиларимиз, балки байдаркачиларимиз ҳам медаллар учун курашларни давом эттиришмоқда. Жаҳон кубоги соҳиби, жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони, фарғоналик Антон Ряхов ҳамда XIV Осиё ўйинлари ғолиби Юлия Борзовалар (500 м.) яккалик мусобақаларида ярим финалга йўлланма олди. Алексей Бобожонов ҳамда Сергей Борзовлар эса жуфтлик баҳслари саралаш босқичидан муваффақиятли ўтишди.

Мусобақа тақвимига кўра, 24 август куни олимпиада дастуридан жой олган юнон-рум кураши беллашувларига старт берилди. Хабарингиз бор, мазкур спорт тури бўйича курашчиларимиз Алексей Чеглаков (96 кг.) ҳамда Александр Доктуришвили(74 кг.)лар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Республика Олимпия штабидан олинган сўнгги маълумотларга қараганда, ҳар иккала курашчимиз ҳам дастлабки учрашувларни муваффақиятли якунлаб, чорак финалга йўлланма олган. Навбатдаги босқичда Александр Доктуришвили Озарбайжон вакилига қарши гиламга чиқса, Алексей Чеглаков туркиялик Аъзам Муҳаммад билан беллашади. Ушбу спорт тури бўйича ғолиб ва совриндорлар бугун аниқланади.

✧ ✧ ✧

24 август куни Тошкент халқаро аэропортидан эркин кураш ва таэквондо (WTF) турлари бўйича мамлакатимиз терма жамоалари Афина олимпиадасида иштирок этиш учун Грецияга жўнаб кетди.

— Олимпия ўйинларида юртимизнинг энг кучли полвонлари Дилшод Мансуров (55 кг.), Дамир Захартдинов (60 кг.), Артур Тавказахов (66 кг.), Магомед Ибрагимов (96 кг.) ҳамда Артур Таймазов (120 кг.)лар Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар, — дейди эркин кураш бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Маъмур Рўзиев. — Халқимиз бу спортчиларга жуда катта ишонч билдирмоқда. Улар орасида Сидней олимпиадаси совриндори, Осиё ва жаҳон чемпионларининг борлиги эса Афинага энг сара таркиб билан кетаётганлигимизни кўрсатиб турибди. Йигитларимизнинг кайфияти аъло, руҳи тетик. Ишонаманки, уларнинг барчаси беллашувларда муносиб қатнашадилар.

Таэквондо (WTF) бўйича аёллар ўртасида ўтадиган баҳсларда икки нафар спортчимиз иштирок этади. Булар халқаро тоифадаги спорт усталари, Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари Ирина Кайдашова (57 кг.) ҳамда Наталья Микрюкова (+67 кг)лардир. Агар бу спорт тури бўйича уюштириладиган мусобақалар ўртасида қитъа чемпионатининг жаҳон биринчиликларига нисбатан юқори ўринда туришини ҳисобга олсак, қизларимизнинг бу борадаги тажрибалари Афина татамиларида қўл келиши шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: спортчиларимизни кузатиш маросимидан лавҳа.
Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.



O'ZSANOATQURILISHBANK

ўз акциядорлари ва мижозларини,
бутун Ўзбекистон халқини
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади!

«Ўзсаноатқурилишбанк» юртимиз аҳолисига юқори даромадли «Маиший хизмат тўловига» муддатли депозитни таклиф этади, у коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар чоғида катта қулайлик яратади. Пул маблағлари икки йил муддат билан сақлашга қабул қилинади, ойига йиллик 50 фоиз ҳисобидан даромад қўшилади. Депозит миқдори ҳар ойлик коммунал тўловлар учун зарур бўлган сумма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Сизнинг пулингиз бус-бутун сақланади, маиший хизматлар учун тўлов эса банк томонидан омонатга қўшиб бориладиган фоизлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу Сизни ҳар ойда маиший хизматлар ва бошқа тўловлар учун ҳақ тўлаш бўйича омонат кассалари ва пунктларига боришдан халос этади, зеро банк Сизнинг топшириғингиз бўйича ҳисоб-китобларнинг барча турларини амалга оширади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: **120-45-24, 133-34-45.**

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7748 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 03.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, собиқ ГУМ биноси.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

Ҳикматли сўзлар маъноси

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Бу билан: «Биров билан муомала қиладиган бўлсанг, унинг ранги-рўйига — яъни, соғ ё носоғлигига, кайфиятининг яхши ё ёмонлигига, унга айтадиган гап-сўзингнинг ўрними ё ўрни эмаслигига, вақтими ё вақти эмаслигига ва ҳ.к. қараб иш кўр. Масалан, суҳбатдошинг носоғ бўлса, ундан шунга яраша ҳол-аҳвол сўра, унга тасалли берувчи, кўнглини кўтарувчи гап-сўз қил, юрагига ваҳима соладиган, асабини бузадиган гапларни, хабарларни айтиб, унинг касалига баттар касал қўшма!» деган маънода насиҳат қиладилар. «Тоби қочганнинг тафтини кўр». Соат тўққизларда Расулжон кириб келди. «Ранг кўр, ҳол сўр» дегандек, Роҳат унга бир қаради-ю, раҳми келди, ўйлаб қўйган гапини унутди (Ё.Шукуров, Ғунча гуллаганда).

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎзДЭУавто» компанияси автомобилларни заводдан республикадаги дилерлик корхоналаригача автомобиль ташучиларда етказиб беришни суғурталаш учун суғурта компаниясини танлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танлаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

Суғурта соҳасидаги иш тажрибаси;

Суғурта компаниясининг ишончлилиги, имиджи ва унинг таъсисчилари таркиби;

Суғурталаш шартлари: суғурта таваккалчиликлари турлари, суғурта мукофотлари ставкаларининг миқдорлари;

Суғурта ҳолатлари рўй берган чоғда суғурта тўловлари миқдори, зарарни қоплаш ҳажми ва муддатлари.

Барча таклифлар муҳрланган ҳолда 2004 йил 10 сентябрдан кечикмай қуйидаги манзилга юборилсин:

«ЎзДЭУавто» АЖ
Ўзбекистон, 700007 Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 30.
Маълумотлар учун телефонлар: 67-55-91, 68-24-10. Факс: 120-65-80.



ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 28 сентябрь ва 5,8,12,15,19,22,26,29 октябрь кунлари ўтказадиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар, М.Уйғур кўчаси, Қизил шарқ берк кўчаси, 109-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 605 бўлган «Дамас СТД» русумли автотранспорт воситаси 1 485 422 сўм бошланғич нарх билан ҳамда 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 597 бўлган «Дамас СТД» русумли автотранспорт воситаси 1 416 333 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархдан 10 % миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари, академик, партия фаоли **Турсунбай Байжонович ЕШАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

УВАЖАЕМЫЕ ДАМЫ И ГОСПОДА!

На основании Постановления № 185 от 17.04.03 г. Кабинета Министров Республики Узбекистан

в целях приватизации государственной собственности производится реализация гостиничного комплекса «Локомотив», расположенного на привокзальной площади Северного вокзала города Ташкента.

Гостиничный комплекс имеет: подвальное помещение, восемь рабочих этажей, технический этаж, чердачное помещение, одноэтажное строение, количество номеров — 91, количество мест — 180.

Общая площадь здания более 6000 кв.м. Всем предприятиям и физическим лицам желающих приобрести или принять долевое участие в её приобретении,

просим обращаться по телефонам: 199-75-09, 199-74-94. WWW.makler.uz